# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

2003 YIL 24 OKTYABR, JUMA

№132 (6.657). Sotuvda erkin narxda


## БУГУНГИ СОНДА


ҚЎНҒИРОТ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ? (1-4-саҳифаларда)

ЭЛ БОЙЛИГИНИНГ ЎҒРИЛАРИ (1-2 саҳифаларда)

ҚОТИЛ АЁЛНИНГ ҚИСМАТИ (2-саҳифада)


## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Қашқадарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда пахта теримининг бориши, теримчи ва ҳашарчиларга яратилаётган шароитлар ҳамда кузги дон экишнинг аҳволи муҳокама этилди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

● Республика болалар бадиий ижоди марказида ёш рассомларнинг кўргазмаси очилди. Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазма Обод маҳалла йилига бағишланган.

● «Ўзстандарт» агентлигида бўлиб ўтган семинар маҳсулот сифатига зарар етказмаган ҳолда унинг давлат стандартига мувофиқ келишини аниқлаш масаласига бағишланди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида мусиқашунос Абдулазиз Ҳошимовнинг «Уйғур касбий мусиқа анъаналари» китоби тақдимоти бўлди.

● Элликқалъа тумани шоликорлари давлатга 1500 тонна "қирмизи дон" топшириб, йиллик шартномавий режани уддаладилар. Катта хирмонга "Тоза Амиробод", "Дўстлик", Ғани Одилов, ал-Хоразмий номли, "Сарабий" ширкат хўжаликлари ҳамда фермерлар муносиб ҳисса қўшдилар.

● Тошкент Давлат техника университетида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг « Институционал потенциал тараққиёти йўлида Франция-Ўзбекистон ҳамкорлиги» мавзуидаги семинари иш бошлади.

● Республика Миллий матбуот марказида ёш эстрада хонандаси Шаҳзоданинг «Халқлар дўстлиги» саройида «Бахт бўлади» деб номланган илк концертига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.





**Аввал хабар қилганимиздек, Қашқадарё вилоятида Шўртан газ-кимё мажмуидан бир неча километр узоқликда янги объект - юқори босимли компрессор станцияси /ЮБКС/ барпо этилди. Шўртан газ-конденсат конида ЮБКС бўйича халқаро лойиҳа ҳам амалга оширилди. Унинг асосий вазифаси - қазиш қурилмаларида зарур қатламли босимни таъминлашдир. Бунинг натижасида табиий газ, конденсат кўп микдорда қазиб олинади ва магистрал қувурлар орқали истеъмолчилар: Сирдарё ГРЭС, бошқа корхоналар ва аҳоли хомашё билан барқарор таъминланади. Янги ЮБКС ер остидан табиий газ ва конденсатни тўлиқ қазиб олиш билан бирга Шўртан конининг фойдаланиш муддатини 20-25 йилга узайтириш имконини беради.**

СУРАТЛАРДА:мажмуа ҳаётидан лавҳалар.
А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

***Эҳтимол, Сиз ҳам талабадирсиз ёки оддий ишчи. Балки мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган, эл фаровонлиги, юрт тараққиётида сезиларли улуш қўшаётган тадбиркорлар вакили ёки фермерсиз... Хуллас, халқ ва давлат тақдирига бефарқ бўлмаган, жамиятда эркинлаштириш ҳамда қонун устуворлиги тарафдорисиз.***

Энди дўппини бир четга олиб қўйиб ўйлаб кўринг-чи, Сиз қайси сиёсий партияга аъзосиз? Сиёсат майдонидаги қайси партия фаолиятидан қониқасиз? Сайлов даврида қайси партия етакчисига овоз берасиз? Қайси партиянинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётингизда таъсири сезиляпти? Ниҳоят, Сиз қайси партиянинг мақсад ва вазифаларидан манфаатдорсиз?

Шуниси аниқки, бу саволларга жавоб бериш асносида жамиятимизда демократик шароитга хос кўппартиявийлик муҳитида сиёсий куч ҳисобланмиш партиялар, яъни Халқ демократик, "Адолат" социал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик ва Фидокорлар миллий демократик партияларининг мавқеи, халқ орасида обрўи қай даражадалиги аён бўлади.

Аччиқ бўлса-да очиқ айтиш керакки, ҳозирда мамлакатимизда мавжуд партиялар фаолияти ҳақида, уларнинг биринчи галда халқ ишончини қай тарзда қозонганлиги хусусида жўяли фикр айтолмай-

**МУНОСАБАТ**

миз. Президент Ислом Каримовнинг 7 октябр куни янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувида таъкидлаганидек, "...партияларнинг фаолияти ҳамон заиф ва мўртлигича қолмоқда".

Тўғри, бугун Олий Мажлисимизда ўз фракцияларига эга партияларнинг асосан кўпроқ амалий учрашувлар, тадбирлар ўтказаётганлиги, жамиятнинг барча қатлами орасига киришга интилаётганлигидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Лекин бунинг натижаси... кўзга ташланмаяпти, десак янглишмаймиз.

Масалан, биз – ёшларнинг аксарияти мавжуд тўрт партиянинг бирига аъзо бўлиш у ёқда турсин, уларнинг манфаатларимизни қандай ҳимоя қилаётгани, ҳозирги мураккаб шароитда ечими кўринмаётган муаммоларни ҳал этиш сари курашаётгани, бир сўз билан айтганда, дадиллик, шижоат билан фаолият олиб бораётгани хусусида тўла тасаввурга эга эмасмиз. Партиялар ёшларни ўзига эргаштира олмаётгандек, назаримизда. Агар юртимизда ёшларнинг асосий куч эканлигини ҳисобга олсак, партияларимизнинг бу ҳолатда туришидан ажабланмай иложимиз йўқ...

Мана шундай шароитда янги сиёсий ва ижтимоий куч – Ўзбекистон либерал-демократик партияси майдонга чиқиб, қандай фаолият юритади.

Бу борада ҳамюртларимиз қандай фикрдалар? Бизни, айниқса, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати, дея эътироф этилаётган янги партиянинг тузилаётганлигига айнан шу соҳа вакилларининг муносабатлари қизиқтирди.

(Давоми 2-бетда)

# ЖАРОҲАТ

**Инсон ва табиат бир-бирига чамбарчасдир. Шу боис табиатни асраш инсоннинг ўз-ўзини асрашдир. Биз она табиат, деймиз. Зеро, инсонни аёл туққан бўлса ҳам у табиат фарзанди. Бизни дунёга келтирган онамизга қанчалик эътиборли, меҳрибон бўламиз. Бизга шу оламда яшаш учун имкон берган табиатга, атроф-муҳит борлиққа-чи? Афсуски, бизнинг жон ришталаримиз шу табиат билан боғлиқ эканлигини унутиб қўяётирмиз. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги ношудлигимиз, бефарқлигимиз ва масъулиятсизлигимиз инсон учун ўнглаб бўлмас офатлар келтиришига сабаб бўлаётир. Ҳали-ҳамон табиатга ўтказилган ҳар қандай зулм ўзимизга заҳмат бўлишини тўла-тўкис англаб етмаётирмиз.**

Орол фожиаси, озон қатламининг очилиши, сувларнинг ҳаддан зиёд ифлосланиши, тупроқнинг зарарланиши етмасмиди?

Таассуфки, атроф-муҳитни белгиланган меъёрдан ортиқ даражада ифлослантираётган манбалар сони кундан-кунга ортиб бораётир. Яқинда хизмат сафаридан Тошкентга кечаси самолётда учиб келдим. Соат 22 лар атрофида эди. Пойтахтга етиб келганда шаҳарнинг тунги манзарасини кўриш иштиёқида самолёт иллюминаторидан пастга қарадим. Миллонлаб чироқлар оғушидаги шаҳар ҳақиқатдан гўзал эди. Лекин шаҳарнинг турли бурчакларида ловуллаётган гулханларни кўриб, аввалига хавотирландим. Кейин билсам, булар хазонлар оловининг ёлқини экан. Яъни, кундузи кўча супурувчилар йиғиштирган хазонларга кечкурун кимдир (балки фаррошларнинг ўзи) ўт қўйиб кетаркан.

Мана, табиатга инсоннинг яна бир зуғуми, атроф-муҳитни зарарлантирувчи яна бир манба. Хазонларни ёқиш инсон ўз соғлиғига исён кўтариш билан баробар. Чунки, дарахтлар йил давомида заҳарли ҳаволарни ютиб, атмосферани тоза ҳаво билан таъминлайди. Айниқса, саноат корхоналари, транспорт кўп бўлган шаҳарларда дарахтлар тоза ҳаво билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Йил давомида баргларга сингган заҳарли моддалар унинг таркибида сақланган бўлиб, ёндирилганда улар яна ўн баравар кучайган ҳолда дуд орқали атроф-муҳитга тарқалади.

Айниқса, хазон ёндирилганда ундан диакцин моддаси ажралиб чиқади. Бу модда парчаланмайдиган жуда заҳарли, инсон саломатлиги учун ўта хавфлидир. Шунингдек, ёндирилган хазон уюмларидан дарахтлар, ер, сув зарарланаётир. Олов тафтидан қовжираган дарахтларни тиклаш учун ўн йиллаб, куйган ернинг тупроғи яроқли ҳолга келиши учун 2-3 йил керак бўлса, сувга тушган заҳарли куллар табиатга ўнглаб бўлмас азият етказади.

Бир газетада ўқиган эдим. 70-йилларда Ҳиндистондаги шаҳарлардан биридаги кимё корхонасида ёнғин чиқади. Ёнғин бартараф этилиб, бу фалокат унутилади. Ўша шаҳарда ҳам хазонларни ёқишар экан. Шунда шаҳар аҳолиси оммавий равишда кучли заҳарланишади. Кўплари нобуд бўлади. Мутахассислар бу фожианинг сабабини аниқлашади. Яъни, бу ўша кимё корхонасидаги ёнғин билан боғлиқ экан. Корхонадаги ёнғин вақтида атрофга тарқалган тутунлар баргларга сингган ва ерга тушган баргларни ёққанда, тутун атрофга тарқалиб, кишиларга офат келтирган.

Хазон дудининг заҳри-қотил эканлигини, инсонга ҳам, табиатга ҳам бирдай зарар келтиришини кўпчилигимиз яхши биламиз. Лекин, афсуски, ёнаётган хазонни ўчиришни, ёқаётган кишиларга танбеҳ беришни унутиб қўямиз. Оқибатда-чи?.. Келинг, шу ўринда мутахассислар фикрига эътиборни қаратайлик.

**Маҳмуд ШОДИЕВ – Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология маркази бош врачи ўринбосари:**

**-Барча ривожланган мамлакатларда шаҳар ичида дарахт баргларини ва маиший ахлатларни ёқиш қатъий тақиқланган. Чунки, бу ҳаракат экологияга салбий таъсир қилиш билан бирга, инсонлар саломатлигига ғоятда хавфли таҳдид солади. Дарахтларнинг хазон барги ёндирилганда атрофга тарқалган тутун одамларда ўпка раки, турли аллергик ва бошқа даво топиши анча мураккаб касалликларни келтириб чиқаради. Айниқса, бу дуд ёш болаларга, соғлиғи заиф кишиларга ва кексаларга жуда тез таъсир қилади. Чунки, хазон ёнганда атроф-муҳитга диакцин заҳарли моддаси, ис гази, углерод, оксид тарқалади ва газлардан заҳарланганлар узоқ вақт даволанишларига тўғри келади.**

**Шунингдек, шаҳар ичида маиший ахлатлар ёқилганда ҳам атмосфера ва инсон учун хавфли ҳолат юзага келади. Аҳоли истиқомат қиладиган жойларда хазон ва ахлат уюмларини ёқиш билан биз ўз соғлиғимизни жиддий хавф остига солиб қўяётирмиз.**

**МАВЗУ**

Тошкент маҳаллаларида, кварталларида калтабин бандалар томонидан ёндирилган хазон гулханларидан бурқисаётган тутундан беайб одамларга, мурғак гўдакларга дард номли офат чанг солаётир, қоракуядан иборат хунук манзаралар шаҳар ҳуснига доғ бўлаётир.

Куз охирлаб, барглар кўпроқ тушаётгани каби пойтахтимиздаги хазон гулханларининг сони ҳам ортиб бораётир.

**Турғунбой САМАДОВ – Тошкент шаҳар ИИББ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг муовини, ички хизмат полковниги:**

**-Олов – тилсиз ёв. Ҳар қандай ёнғин кўлами қай даражада бўлишидан қатъий назар хавфли ҳолатни юзага келтиради. Агар биз шаҳарда 20 кунда (1 – 20 октябр) содир бўлган ёнғинларни таҳлил этадиган бўлсак, хазонларни ёқиш билан боғлиқ аниқ фактлар юзага келади. Агар шу муддат ичида 129 та ёнғин қайд этилган бўлса, шундан 76 таси квартал ва маҳаллаларда хазон ва маиший чиқиндиларни ёқиш билан боғлиқ. Айниқса, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов ва Акмал Икромов туманларида хазон уюмларини ёқиш билан боғлиқ ёнғинлар содир қилиниши кўпроқ учрайди. Агар жорий йилнинг 9 ойида пойтахтимизда содир бўлган ёнғинлар сони 1305 тани ташкил этган бўлса, шундан 555 таси, яъни 42 фоизи маиший чиқиндилар ва хазонларни ёқиш туфайли юзага келган ёнғинлардир.**



**Масалан, 20 октябр куни Чилонзор туманидаги Туроб Тўла кўчасида ёқилган хазон уюми туфайли 50 квадрат метрдаги майдондаги ўтлар ва дарахтлар куйиб, кул бўлган. Ёки Шайхонтоҳур туманидаги Ибн Сино 2-мавзе, 1-уй олдида ёқилган хазон туфайли 70 квадрат метр майдон жизғанак бўлган. Мирзо Улуғбек туманидаги 111-уй олдида хазон гулхани туфайли 70 квадрат метр, А.Икромов туманидаги 13-16-уйлар оралиғидаги майдонда қайсидир бефаросат ёққан хазон олови туфайли 25 квадрат метрдаги ер майдонлари куйган. Фуқароларимиз хушёр ва огоҳ бўлишлари керак. Акс ҳолда ҳар йили кузда бўладиган хазон ёнғинлари туфайли ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўришлари мумкин. Шаҳар кўчаларида йўл қўйилаётган ёнғинларнинг олдини олиш учун фақат кузда эмас, йил давомида тадбирлар кўриб боришимиз керак.**

Ҳа, бу сунъий ёнғинлар табиатга, инсонларга қимматга тушаётир. Шу ёнғинлар туфайли ёш болалар бир умрга мажруҳ бўлиб қолишаётир. Маълумки, болалар ҳар нарсага қизиқувчан бўлишади. Улар ёнаётган гулханни титишни хуш кўришади. Аммо, уларнинг бу қизиқувчанлиги кўпинча хунук оқибат билан якунланади. Мисол учун Миробод тумани, Қўйлиқ-3 мавзесидаги 8-уй олдидаги ахлат ва хазон уюмига қўйилган олов 12 ёшли бола М.Нугурбековнинг бир умрга мажруҳ бўлиб қолишига сабаб бўлган. Унинг танасининг 40 фоизи олов тафтида куйган.

Айнан шундай ёнғинлар туфайли кўрилган зарар миқдори жорий йилда 886 минг сўмни ташкил этади. Арзимас бўлиб кўринган ушбу оловлар туфайли 10 дан ортиқ одам тан жароҳатини олди, бир одам бевақт вафот этди.

Масалан, ҳар бир оилада ҳар кимнинг ўз вазифаси бор. Ҳар ким ўзига бириктирилган вазифани тўлиқ уддаласа, ўша оилада қут-барака, тартиб-интизом, файз бўлади. Шаҳар ободончилиги ва уни назорат қилиш билан бевосита шуғулланадиган мутасадди ташкилотлар мавжуд. Қолаверса, жойларда маҳалла оқсоқоллари, участка нозирлари, Уй-жойдан фойдаланиш ширкатлари ходимлари бор. Демак, шаҳар бедарвоза эмас. Ким нимани истаса қилишга ҳаққи йўқ.

(Давоми 2-бетда)

# ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

***Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ғоят муҳим палла бошланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг шу йил 6 октябрдаги қарорига асосан ноябр – декабр ойларида Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига навбатдаги сайловлар ўтказилади.***

Қарорда туман ва шаҳарлар ҳокимларига фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни, шу жумладан, мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан фуқаро йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш, шунингдек, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил қилишда фаол қатнашиш тавсия этилган.

**НИГОҲ**

Дарҳақиқат, юртимиз ҳаётида бағоят улкан аҳамият касб этувчи ушбу сиёсий маъраканинг ҳар томонлама мукаммал ва тўлақонли, қонун ва демократия талабларига мос, аҳолининг кенг иштироки ва сиёсий фаоллигида ўтказилишидан барчамиз манфаатдормиз. Зеро, фуқаролар йиғинлари халқ ҳокимиятчилигининг энг қуйи, тўғрироғи, дастлабки, яъни биринчи бўғини ҳисобланади. Бинобарин, улар халқ ҳаётига энг яқин ва бевосита алоқадорлиги билан характерлидир. Бунинг устига шарқона менталитетга асосланган бизнинг турмушимизда уларнинг алоҳида ўрни, роли, керак бўлса, бетакрор аҳамияти кўзга яққол ташланиб туради. Бизнинг халқимиз азал-азалдан фуқаролар йиғинига катта ҳурмат-эътибор билан қарайди. Миллати, диний эътиқоди, мансаб-мавқеидан қатъий назар ҳар бир инсон маҳаллада тенг ва унинг тартиб-қоидаларини бирдек адо этишга ўзини мажбур кўради. Ана шу шарқона удум, ўзбекона урф бугунги кунда дунёдаги бебаҳо умумбашарий қадрият сифатида тан олинаётганлиги ҳам бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда)

**ТААССУФ**

***Наманган вилоятининг саккизта тумани Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош. Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ, Янгиқўрғон, Норин, Косонсой, Чуст ва Поп туманлари ана шу ҳудудлар ҳисобланади.***

Бу жойларда юртимиз бойлиги бўлмиш пахта, минерал ўғит, нефт маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга уринишлар кўп учрайди. Гарчи вилоятда шу каби хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида 11 та назорат пунктлари, 32 та пост, 76 та жамоатчилик назорат масканлари ташкил этилиб, уларга жами 1422 нафар ходимлар жалб қилинган бўлса-да, хуфёна уринишлар тез-тез учраб турибди.

Уйчи тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида, туманнинг "Қизилравот" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Е.Токтабоев 413 килограмм, нархи 80535 сўмлик чигитли пахтани яширинча териб олиб, уйига келтириб беркитиб қўйганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 1 қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар давомида, шу йилнинг 13 сентябр куни Учқўрғон туманида истиқомат қилувчи фуқаролар Мўминжон Деҳқонбоев нархи 4290 сўмлик бўлган 22 килограмм, Холмирзаева Ойдина эса нархи 3900 сўмлик бўлган 20 килограммлик пахталарни тумандаги "Мустақилликнинг 7 йиллиги" ширкат хўжалиги далаларидан яширинча териб олиб, Қирғизистон Республикасига олиб кетаётганларида тўхтатилганлар.

# "НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДУР..."

(Давоми 2-бетда)

**СУВ ТАЪМИНОТИ:**

# ИСЛОҲОТ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

***Сув – бу ҳаёт. Сув – бу бепоён пахтазор, гуллаб-яшнаётган боғу роғлар. Сув етиб борган жойлар кўкаради, яшнайди.***

Сув – бу бебаҳо бойлигимиз. Фақат ана шу Оллоҳ таоло ато этган бойлигимиздан оқилона фойдаланаяпмизми? Агар шундай бўлса, нега жаҳон матбуотида сув танқислиги, исрофгарчилиги, Оролимизнинг суви камайиб бораётганлиги тўғрисида тез-тез мутахассислар, олимларнинг мақолалари эълон қилиниб турибди. Демак, бу муаммо ҳар биримизнинг муаммомиз бўлиб, қалбимизнинг оғриқ тубидан ўтиши, сувдан исрофгарчилик бичек қўйиш вақти қилишимиз лозим лан фойдаланишга келганлигини ҳис бўлади.

**ДАВР**

Халқимизда бир мақол бор: "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ", дейишади. Лекин Сирдарёда сувнинг қадри баланд. Чунки асрий Мирзачўлга сув "текин"га келгани йўқ. Чўлга сув олиб келиш, катта-катта каналлар қуриш, минглаб километрда лотоклар тармоқларини барпо этиш учун халқимизнинг миллиард сўмлаб маблағлари сарфланган. Ана шу ирригация тизимлари ҳозир ҳам ўзлаштирилган майдонларга Сирдарё сувини етказиб беришга хизмат қилаяпти.

Заҳматкаш миробларнинг етказиб бераётган сувлари туфайли бепоён пахтазорларимизда пахта етиштирилмоқда, хирмонларимиз донга тўлаяпти, боғ-роғларимиз дастурхонимизни безаяпти.

-Вилоятда 290638 гектар суғориладиган ерлар мавжуд бўлиб, шундан 177363 гектари Жанубий Мирзачўл каналидан, 95 минги Дўстлик каналидан, 17 минг гектари насослар ёрдамида суғорилади, - дейди Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Жўрабой Шарипов, - суғориш тармоқлари 7777 км.ни ташкил этади.

(Давоми 3-бетда)

**МАЪНАВИЯТ**

***"Саҳро булбуллари", деб ном олган қорақалпоқ халқининг азалдан ўз бахши ва жировлари эл орасида катта нуфузни эгаллашган, тўй-томошаларни қизитишган. Улар билан бир қаторда қиссахонларнинг ҳам ўрни бўлакча, фахрли бўлган.***

Қўнғирот туманида истиқомат қилувчи, қадимий Қўнғирот тарихини чуқур ўрганган Айитбой Камолов шундай дейди:

-Қўнғирот ўз даврида Хоразмнинг муҳим сиёсий стратегик ҳудуди ҳисобланган. Маданият ривожланган. Бахши, жиров ва қиссахонлар тўю томошаларни, тантаналарни безашган. Санкт-Петербурглик олим И.А.Беляев қиссахонлардан "Қўблон", "Едеге" достонларини, "Шажара"ни ёзиб олиб, 1917 йили нашр қилдиради. Олимнинг таъкидлашича, ўша даврларда жировлар, қиссахонлар орасида саводхонлари кўп бўлган. Маҳаллий аҳоли, айниқса, машҳур туркман шоири Махтумқули асарларини ёд билишган.

Ўтган асрнинг ўрталарида, аниқроғи, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Қорақалпоқ Давлат мусиқали драма театри жамоасининг ажиб иш тартиби шаклланди. Ижодий жамоа аъзолари гуруҳларга бўлиниб, энг олис овулларда тез-тез бўлишиб, концертлар қўйишар, пьесалардан парчалар кўрсатишар, ёш истеъдод эгалари шундай сафарларда эл олдида ўзига хос имтиҳондан ўтишарди. Гуруҳлар таркибида Ўзбекистон халқ ҳофизи, Қорақалпоқ диёрининг ардоқли шоири, ўнлаб шеърий тўпламлар, достонлар муаллифи, шу билан бирга етук қиссахон Содиқ оға Нурумбетовнинг ҳам бўлиши томошабинларга олам-олам завқ бағишларди.

# ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИССАХОНЛИГИ

(Давоми 4-бетда)

## КЕЛГУСИ СОНДА:


ҚАЙСИ ДАРАХТ СИЗНИКИ?

ЯШИРИЛГАН БОЙЛИК БУЮРМАЙДИ

БОШ ЁРИЛСА ДЎППИНИНГ ОСТИДА

# ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

(Боши 1-бетда)

Бас шундай экан, фуқаролар йиғинларининг раислари, уларнинг маслаҳатчиларининг ҳаётимиздаги ўрни ҳам шунга яраша. Биз уларга халқ ишонч билдирган ҳақиқий оқсоқоллар, турмушимиздаги яхши-ёмон кунда энг яқин маслаҳатгўй ва кўмакдош, дардкаш ва елкадош инсонлар сифатида қараймиз. Талабу топшириқларини сўзсиз бажаришга интиламиз. Айни пайтда уларга ўз муаммоларимиз, талаб-истакларимизни айтиб, уларнинг ечимида оқсоқолларимизнинг саъй-ҳаракатларига умид боғлаймиз. Иккинчи ва ғоят муҳим бир жиҳат шундан иборатки, ҳаётимизни демократиялашни чуқурлаштириш асносида келгусида фуқаролик жамияти қуришдек эзгу мақсад йўлида илгари интилаётган мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг анчагина қисми босқичма-босқич фуқаролик йиғинларига бериб борилади.

Кўриниб турибдики, фуқаро йиғинининг раиси бўлиш шунчаки бир оқсоқолчилик ёки тўй-маъракаларда баковулчилик дегани эмас. У – халқнинг ишончи билдирилган, катта ваколатга сазовор бўлган, ҳурмат-иззатли бир етакчи. Айни пайтда бу ваколат мухтарам раисларга фақат салобат солиб, буйруқ бериб, ҳукм ўтказиш учун берилмаган. Бу ваколатнинг мазмун-моҳияти халққа хизматкорлик, унинг оғирини енгил, мушкулини осон қилиш учун фидойиларча ишлашдан иборатдир.

Ана шуни теран идрок этадиган, халқ ташвиш-дардларини юракдан англайдиган ва малҳам излайдиган, камбағалга қайишадиган, нотавонга далда бера оладиган оқсоқолларимиз кўп. Улар билан фахрланамиз. Аммо...

Афсуски, бу вазифага тасодифан келиб қолган, на ақлу заковати, на фаҳму фаросати ва на хулқи билан бировга ибрат бўла олмайдиган, ҳатто кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ажратилаётган моддий ёрдамни "туя қилиш"дан тап тортмайдиган, хуллас, наинки оқсоқолга, балки оддий бир фуқарога ярашмайдиган қилиқлар қилиб юрувчилар ҳам анча-мунча топилади. Қонун муҳофазаси идоралари, қолаверса жамоатчилик эртами-кечми, бундай кимсалар кирдикорларини фош этмоқда. Бироқ бу орада қанча ноҳақликлар бўлишини, қанча кўнгиллар шишаси синганини айтмайсизми?

**“Синса кўнгил шишаси тадбир билан бўлмас бутун**
**Устихон эрмаски они рост қилса мўмиё”,**
деган эди ҳазрат Алишер Навоий. Мухтасар айтсак, маҳалла оқсоқоллари зиммасига инсон турмуши, оиласи, фарзандлари тарбияси, бинобарин, унинг кўнгли, қалби билан ошнолик, севинчу қайғуларига шерик бўлишдек бениҳоя улкан, бағоят шарафли, айни пайтда ниҳоятда нозик ва масъулиятли вазифа юкланган.

Демак, ушбу лавозимга ана шу бурчни шараф билан оқловчи, юксак маънавиятли, адолатли, халқпарвар, бағрикенг, шижоатли кишиларни муносиб кўрмоғимиз зарур.

Бу эса сизу бизга – ўзимизга боғлиқ. Яъни ушбу сайловларга катта аҳамият бериб, фуқаро йиғинлари раислигига чинакам лойиқ кишиларни номзодликка танлаш ва сайлашда фаоллик, ташаббускорлик кўрсатмоғимиз лозим. Эски замонлардаги сингари “Ҳа, бирортасини юқоридан тайинлаб қўйишади-да”, дея лоқайдлик қилмасдан, ошна-оғайнигарчиликка, гуруҳбозлик ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатларга асло йўл бермасдан қатъият кўрсатиб, навқирон мамлакатимизнинг нисбатан ёш, аммо мудом ривожланишда бўлган демократик тамойиллари ғалабасини, адолат тантанасини таъминлайлик. Токи, фуқаролар йиғинлари сайловлари айрим бадбин кимсаларнинг нотўғри фикрларига, ғаразли мақсадларига зарба берсин. Ҳаётимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилганини бутун дунёга намойиш этсин. Том маънода демократия мактабига айлансин.

**Ҳабиб ТЕМИР**

# ЖАРОҲАТ

(Боши 1-бетда)

**Лазокат ИСЛОМОВА – Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг бош агрономи:**

**-Ҳар йили кузда шу муаммо бизни қийнаб келади. Фаррошларимизга ҳам қаттиқ тайинлаганмиз, хазонга ўт ёқманглар, деб. Шунингдек, Санитария-эпидемиология маркази ходимлари ҳам доимий назорат олиб боришади. Албатта, ҳаммасини тўлиқ назоратга олиш қийин. Чунки шаҳар ҳудуди 32,9 минг гектарни ташкил этади. 444 та маҳалла ва қанча мавзе бор. Ҳар бир туманда хазонларни кўмиш учун махсус чуқур қазиганмиз. Бу хазонлар қиши билан чириндига айланади. Кўкламда уни чиринди ўғит сифатида гулхоналарга, гулларга соламиз. Хазонларга кимлардир ўт қўяётир. Бундай ҳолатлар шаҳарда содир бўлаётгани сир эмас.**

Демак, хазон гулханлари бор, лекин уни ёқаётганлар йўқ. Хазон уюмларига асосан кечқурун ўт қўйишади. Маҳалла оқсоқолидан ёки корхонаси олдида хазон ёндирилган корхона раҳбарига “Бунга ким ўт қўйган?", деб савол берсангиз, бир хил жавобни эшитасиз: “Болалар ёки кўчада ўтаётганлар ўчмаган сигарет қолдиғини ташлаб кетишган". Айбдор яна болалар.

**Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА – Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонотларни асраш бўлими бошлиғи:**

**-Биз ҳар йили шаҳардаги мактаб ва боғчаларда болалар ўртасида хазонларни ёқмаслик бўйича тушунтириш олиб борамиз. Шунингдек, шаҳардаги ҳар бир туман ҳокимиятларига хазонлар учун чуқур тайёрлаш бўйича хат юборганмиз. Тўғрисини айтишим керак, ҳозиргача бирорта ҳокимиятдан жавоб олганимиз йўқ. Жойлардан хабар тушсагина, биз ўша жойга бориб табиат муҳофазасига зарар етказганларга чора кўришимиз мумкин. Яъни, хазонни ёққанларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖ тўғрисидаги қонуннинг “Саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқитларни ташлаш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш” ҳақидаги 91-моддаси бўйича жарима солинади. Бу жариманинг миқдори фуқаролар учун энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, корхоналар учун энг кам иш ҳақининг 1 дан 3 баравиригача. Лекин жорий йилда шу ҳолат бўйича ҳали бирор бир хазон ёққанга жарима солганимиз йўқ. Чунки айбдорни аниқлаш қийин бўлаётир.**

Мана кузнинг ҳам иккинчи ойи тугаб бораётир. Шаҳардаги беш миллиондан ортиқ дарахтларнинг барги тўкилиши ҳам кундан-кунга тезлашаётир. Шунча вақт бизни соф ҳаво билан таъминлаб, ўзи заҳар-зуққум ютган барглар хазон бўлиб, оёғимиз остида топталаётир. Уларга олов ташлаш билан кўча-кўйни тозалаб бўлмайди. Чорасини қидириш, тадбиркорлик билан хазондан ҳам унумли фойдаланишни амалга ошириш вақти келди. Кўчаларининг ораста ва тозалиги, ҳавосининг мусаффолиги учун ҳар биримиз масъулмиз.

Қолаверса, бу йил “Обод маҳалла йили". Жуда бўлмаса шу йилдан бир эсдалик сифатида қолиши учун "Шаҳримиз кўчаларини хазонларни ёқмасдан тозалайлик" деган ва кўп йилга татийдиган ташаббус қолсин. Бунинг учун шаҳар тозалигига масъул бўлган мутасадди ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари, ташкилот ва корхона раҳбарлари ўзлари бошқараётган ҳудудларда хазонларни тозалаш бўйича шанбалик ўтказса, бу ишга мактаб ўқувчилари ҳам жалб этилса, маҳаллаларда, мавзеларда тушунтириш ишлари олиб борилса, хазонлар ёқилишига чек қўйилиши, шубҳасиз. Шунингдек, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш керак.

Кимдир ушбу мақолани ўқиб, ҳаётимизда бундан-да долзарб муаммолар мавжуд бўлса-ю, ёнаётган хазонлар учун шунча ваҳима шартмикан, дейиши мумкин. Аслида жамиятимиз, инсон ҳаёти, турмуш тарзи билан боғлиқ муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Инсон саломатлиги, экология муҳофазаси билан боғлиқ ушбу масала ҳам шаҳримиз ҳаёти учун ўта долзарбдир. Ахир ким ҳам соф ҳаводан нафас, гўзал манзарадан завқ олишни истамайди? Бу истакнинг ижобат бўлиши эса ўз қўлимизда.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” махсус мухбири.**

<u>**ТАҲРИРИЯТДАН:**</u>
**Хазонларни ёқиш бошқа шаҳар ва қишлоқларда юз бермаяптимикин? Бу борада тегишли идоралар ва жамоатчилик ўз муносабатини билдиради, деб ўйлаймиз.**




# КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

(Боши 1-бетда)

**Зокир Қораев, оқдарёлик фермер:**

-Одатда ҳамма партияларнинг вужудга келиши доимо шов-шувли бўлади.

Орадан сал ўтмай қарабсизки... аксариятининг баландпарвоз ҳайқириқлари-ю мақсадлари ҳаётга қовушмай, пучлиги ошкор бўлиб, партиянинг фақат номигина аҳён-аҳёнда қулоққа чалиниб қолади. Бу борада ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувда Президентимиз ҳам таассуф билан гапирдилар.

Мен олий маълумотли иқтисодчиман. Партия ва ҳаракатларнинг нималиги-ю, амалда тутадиган ўрни хусусида тушунчам бор. Аминманки, тузилаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Либерал-демократик партияси бошқалардан фарқли ўлароқ, ҳаётимизнинг ички қатламларигача жуда тез кириб боради. Чунки у биз сингари мулкдорларнинг партиясидир. Ҳозирги пайтда тадбиркорлар-у ишбилармонларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари давлатимиз томонидан қонунларимиз билан ҳимояланиб, мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ, фаолиятимизда дуч келаётган сунъий тўсиқлар, ғовлар йўқ эмас. Демак, муаммоларни ҳал этишда бизга ҳам йўл-йўриқлар керак. Айнан ҳозирги шароитда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришнинг янги-янги дастурлари зарур. Бундай талаб ва эҳтиёжларимизни мамлакат сиёсий саҳнасига, ҳукумат доирасига олиб чиқиш учун эса албатта партияга суяниш мумкин. Қолаверса, у орқали ҳукуматда, парламентда ўрта ва кичик бизнесни юрагидан тушунадиган, қайишадиган вакилларимиз бўлади.

Тўғриси, бугунги ўтиш жараёнида мулкдорларни қийнаётган муаммолар оз эмас. Шу туфайли вужудга келадиган ҳаракатдан умидларимиз катта. Чин дилдан ишонаманки, у узоқ яшайди, нафақат яшайди, нуфузли мавқега ҳам эга бўлади.

**Машарип Қаландаров, Хонқа туманидаги “Наврўз” фермер хўжалиги раҳбари, “Шуҳрат” медали соҳиби:**

-Айни пайтда республикамизда тадбиркор ва ишбилармонлар сирасига кирувчилар сафи тобора кенгаймоқда. Бу бозор иқтисодиёти шароитида табиий жараён. Ана шу кучнинг бирлашиб ҳамфикр, ҳамқадам бўлишларида бу - Либерал-демократик партиянинг алоҳида ўрни ва мақсадлари муштарак бўлиши керак.

Президентимизнинг ушбу партия ташаббус гуруҳи вакиллари билан учрашувида қилган маърузаси билан матбуот орқали тўлиқ танишиб чиқдим. Унда бугун мавжуд партияларнинг фаолиятлари қониқарли эмаслиги, улар олдида қатор вазифалар тургани рўй-рост айтилди...

Тузилажак мазкур партия эса чиройли сўзлар, ҳайқириқлардан қочиб, ғоялари ва ишлари билан нафақат биз – тадбиркорлар-у фермерлар манфаатини ҳимоя қилиши, балки барча соҳа кишилари мақсад ва интилишларини қўллаб-қувватласа, дея умид қиламан.

Мамлакатимизнинг асосий бўғинларидан ҳисобланаётган мулкдорлар ижтимоий қатламини бирлаштирувчи ушбу партия, бир сўз билан айтганда, мен ва менинг сафдошларимга билдирилаётган ишончнинг тасдиғидир ва бу бизнинг янада фаол ва ишбилармон бўлишимизни, халқнинг манфаати йўлида қайғуришимизни талаб этади.

Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Албатта, тадбиркорлар ва ишбилармонларимиз, фермерларимиз орасида янги тузилаётган партияга бироз ишончсизроқ боқаётган, ҳатто бу партиянинг фаолиятида бевосита айнан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бош мезон этиб белгиланаётганидан бехабарлар ҳам ёинки бу борада етарли тушунча ва тасаввурга эга бўлмаганлари ҳам йўқ эмас. Бу билан уларни қоралай олмаймиз.

Фақат бир ҳақиқат аён, янги тузилаётган партия илк қадамиданоқ эл-юрт тараққиёти йўлида сиёсий куч сифатида бирлашганлигини амалда кўрсата олса, ана шундай қарашлар барҳам топади.

Бу йўлда курашажак либерал-демократларнинг етакчилигига кўнгилларда умид уйғонади.

**Фарида МАҲКАМОВА**

# КУРСИСИ ҚУРСИН

***Бир корхонада оддий ишчиликдан бошлаб, узоқ йиллар давомида поғонама-поғона кўтарилиб, ҳалол меҳнат қилиб келган Холиқ исмли акахонимиз раҳбарлик курсисига ўтириб қолди.***

Бир ой ўтгач, ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам ўртоғим билан табриклагани бордик. Кенг, шинам хона, "Самсунг" русумли ҳавони совутадиган ускуна овоз чиқармай ишлаб турибди. Рангли телевизор қўйилган. Ҳали у, ҳали бу телефон жиринглаб қолади. Ходимлар турли масалаларда тортинмай эркин кириб-чиқишаркан. Янги раҳбарнинг муомаласи самимий, баланд овозда гапирмайди. “Узоқ йиллар бирга ишлаяпмиз, шунинг учун яхши-ёмон бўлмоқчимасман", дейди Холиқ ака.

Хуллас, ака бизни илиқ кутиб олди. Даставвал у ёқ-бу ёқдан суҳбат қурдик. Гапимиз охири у кишининг қандай қилиб раҳбар бўлиб қолганига тақалди.

-Ўзим ҳам ҳайронман, э йўқ, бе йўқ, раҳбар бўласан, деб қолишди, - дейди Холиқ ака курсисида омонат ўтирган ёки ростдан ҳам шу курсида ўтирганига ишонқирамаётган одамдай, - бу раҳбарлиги чатоқ бўларкан. Бизга алоқаси борми, йўқми ҳар куни ҳар хил йиғилишга чақиришади. Йиғилишлар ҳам антиқа. 1-синф боласидек турғазиб қўйишадими-ей, баъзан нафсониятингга тегишадими-ей... Йиғинлар баъзан навбатма-навбат эрталабдан бошланиб, ярим тунда тугайди. Олдинги ўзимнинг ишим яхши эди. Нима кўргулик бу? Уйқу деярли йўқ. Кечаси 2, узоғи билан 3 соат ухлайман, холос. Тонг азонда яна “олға"! Кун бўйи кўз қизариб, калласидан таёқ еган товуққа ўхшаб юраман.

-Раҳбарликни мазза деб ўйловмидингиз? – кулиб сўраймиз.

-Оғир экан. Шунақа чарчар экансанки, уйқуга вақт йўқ, кўзинг очиқ бўлса ҳам, бақрайиб турган билан, миянг ухлаб қоларкан. Ким нима деяпти, каллангга кирмайди.

Курсида ўтирган акахонимизнинг сўнгги сўзларидан сўнг хандон отиб юборибмиз – хах-хах-хах-ха-а-а-а...

**Мақсуд БАҲРОМ ўғли**

# БЕМОР КЎРГАНИ БОРГАНЛАР

***“Жабборжон бетоб бўлиб қолибди, туман касалхонасида ётганмиш”, деган гапни эшитиб жўраларнинг пайтавасига қурт тушди. Иссиқ жон, эрта-индин ўзингнинг ҳолинг нима бўлишини билмайсан...***

Дўст дегани шунақа кунда корингга ярамаса, қачон ярайди? Шунинг учун Анвар билан Мирзоҳид ишдан сўнг ундан бирров хабар олиб қўймоқчи бўлишди. Бозорга кириб, сархил мева-чевалар, иссиқ нон, тўрттагина кабобни бир пакетга жойлашди-да, шифохона томон отланишди.

-Жабборжон икки йил олдин мени би-ир "туширганди", - деб қолди йўл-йўлакай Анвар шеригига. – Бетоб бўлиб ётганимда касалхонага келиб "уйингизни олдида тайёр мозор бор эди-ку, шу ерга келиш шартмиди", деб анча ичимни қизитганди. Мана энди қасос олиш пайти келди...

-Нима қилмоқчисиз? – қизиқсинди Мирзоҳид.

Анвар "кейин биласиз" дегандек кўз қисиб қўйди. Хуллас, икки дўст туман шифохонасига етиб келишди. Қадрдонларини кўриб, кўнгли ийиган беморнинг кўзларига ёш қуйилди. Бироз хасрат қилган ҳам бўлди. Анвар эса уни юпатар, “Худо хоҳласа яхши бўп кетасиз, ҳеч хавотир олманг, сизнинг касалингиз бедаво дард эмас", дея таскин берарди.

-Эй, йиғини йиғиштирсанг-чи, нима бало, қиз боламисан? – деди Мирзоҳид тажанглашиб. – Юракни сиқиб юбординг-ку...

-Ҳай, ҳай, ҳай... – Анварнинг капалаги учиб кетгандек бўлди. – Касалгаям шунақа гапирадими?

Кейин эса у томонга бироз энгашиб, гўёки шивирлагандек, аслида эса Жабборжонга эшиттириб сўз қотди.

-Нима дўхтирнинг гапи эсингдан чиқдими? Ўзи бир-икки кун умри қолган бўлса, хафа қилиш яхшимас... Нима деса “хўп-хўп" деб туравер, буям бир васиятни бажаришдек гап-да...

Унинг бу гапларини эшитган беморнинг ранги оқариб, лаби пир-пир уча бошлади. Анвар икки йиллик қасосни олганидан хурсанд, лабининг таноби қочиб илжаяр, Мирзоҳид эса қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишдан ўзини аранг ушлаб турарди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# ҚОПЛОН...ТОЙ

***-Ассалому алайкум, Арслон ака! Мени тумандан сизга учрашишимни тайинлаб юборишди. Яна айтишдики...***

Бошлиқ кўзойнаги устидан синчков қараркан, ундан сўради: -Кимсан?!

Суст босиб довдираб қолган йигит тутила-тутила тилга кирди: қоп..., қоп... Қоплонман. Қўчқор бўри билан, йўғ-е, Бўри қўчқор билан пастда, машинада, олиб боргин дейишган эди.

Бошлиқнинг қиёфаси тундлашди, тугмачани асабий босиб котибасига "туман ҳокими билан уланг", деди. Зум ўтмай гўшакни кўтариб, гаплашди. Суҳбат чоғидаёқ чеҳрасига мамнунлик югурди. "Исмлари ғалатироқми?" деб қўйди кесатиб. Гўшакни қўяркан "шофёринг Бўрибойга айт, менинг шофёримга маъратмай топширсин. Калимангга эҳтиёт бўл", "Тил югуриги бошга" деган ҳикмат эсингдан чиқмасин.

Бошлиқ янги кадрни лавозимга тайинларкан янада жиддийлашди: сенлар ишни эплаб, эл корига ярамасанглар ким ярайди?! Вазифанг ўта масъулиятли, бугуноқ ишга кириш, ҳозироқ бошла!

У ишни исмини салгина ўзгартиришдан бошлади. Боиси хўжайин буйруқ чиқаришда “Қоплонтой" деб ёзиб юборган экан. Бунинг учун ҳам Бўри паспорт столидагиларга қўй элтиб берди. Фаҳмли шофёр-да, ўзининг исмини ҳам бирйўла мослаштириб олди-қўйди – Бўрича!

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

# “НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДУР...”

(Боши 1-бетда)

Қонунбузарларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун Учқўрғон туман судига юборилган.

Шу каби ҳолатларнинг яна бир нечтасига эътибор беринг. Учқўрғон туманида яшовчи фуқаролар Сотволдиева Холида жорий йилнинг 21 сентябр куни тумандаги "Қўғай" ширкат хўжалиги далаларидан нархи 2000 сўмлик 15 килограмм, Қурбонов Эркин 2003 йилнинг 22 сентябр куни тумандаги "Учқўрғон" ширкат хўжалиги пахта майдонларидан нархи 2040 сўмлик 16 килограмм, Мамасолиев Одилжон ҳам шу йилнинг 23 сентябр куни "Учқўрғон" ширкат хўжалиги далаларидан нархи 2040 сўмлик 15 килограмм, Хозирқулова Мавлуда ҳам 2003 йилнинг 25 сентябр куни айнан "Учқўрғон" ширкат хўжалиги пахта майдонларидан нархи 13 минг 500 сўмлик 90 килограмм пахтани яширинча териб олиб, Қирғизистон Республикасига олиб кетаётганликларида тўхтатилганлар. Уларга нисбатан тўпланган маъмурий материаллар Учқўрғон туман судига юборилган.

Бундан ташқари, вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текширишларда, 2003 йилнинг 27 сентябр куни Янгиқўрғон тумани "Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғинида, ота-онаси қарамоғида яшовчи 9-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Юлдашев Комил "Туркистон" ширкат хўжалигига қарашли пахта майдонига 2 бош бузоғини кўсак едириш мақсадида қаровсиз қўйиб юборган. Натижада 0,01 гектар майдондаги ғўзалар пайҳон қилиниб, хўжаликка 1500 сўм миқдорида моддий зарар келтирганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам ҳужжатлар расмийлаштирилиб, “Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғини комиссиясига юборилган.

- Худди шундай ҳолат Поп туманидаги “Дўстлик" ширкат хўжалигида ҳам содир бўлган. Шу йилнинг 28 сентябр куни “Исковут" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, 1985 йилда туғилган Ниёзов Раҳимжон бир бош сигирини кўсак едириш мақсадида қаровсиз қўйиб юборган. Натижада 0,01 гектар майдондаги ғўзалар пайҳон қилиниб, хўжаликка 6 минг 500 сўм миқдоридаги моддий зарар келтирилганлиги аниқланди. Бу иш юзасидан ҳам ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман судига юборилган.

Учқўрғон туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, тумандаги айрим фермер хўжаликларининг раҳбарлари томонидан ҳам етиштирилган пахта ҳосилини Қирғизистон Республикаси фуқароларига сотиш ҳолатлари учраб турибди. Шуни эътиборга олиб, “Водий", “Бахт", “Шодмонбой", “Бўстон", “Гулистон", “Асадбек", “Домла Маматов", “Абдурашит ота", “Мирзабек-МЭМ", “Олим ота", “Одил ўғли Алишер", “Бойчечак" каби 12 та фермер хўжаликларининг раҳбарлари қонун талабларини бузмаслик ҳақида огоҳлантирилдилар.

Аттанг. Айримлар фермерлик номига ҳам доғ туширишяпти. “Нафсим менинг балодур..." деб эҳтимол шунга айтишар. Бироқ, нима бўлган тақдирда ҳам нафс амрига учиб, эл-юрт бойлигига хиёнат қилиш, ачинарлиси бу ишни била туриб бажариш номардликдан бошқа нарса эмас. Жиноят қилган одам албатта жазосини олиши муқаррар. Балки жавобгарликдан ҳадиксирамаётганлар ҳам бордир. Аммо, эл-юрт олдидаги шармандалик ҳар қандай жазодан ҳам оғирроқ бўлса керак. Ана шундан асрасин.

**Дилшод ОМОНОВ,**
**Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.**



**Булунғур туманидаги “Булунғур мевалари” очиқ акциядорлик жамиятида йил бошидан буён 80 тонна болғар қалампири, 18 тонна пиёз қуритилиб, Германия ва Туркия давлатларига жўнатилди. Мижозларнинг талабига кўра яна минг тоннадан карам, картошка ва сабзи қуритиб қўйилди.**
**СУРАТДА: корхона ишчиси Солия Норматова.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# ҚОРАМУНЧОҚ

**(Давоми, боши ўтган сонда)**

-Мазам йўқ... Ўлиб қолай деяпман, - деди Сорахон ўзини босишга, кўнглидаги қора ўйларни яширишга уриниб.

Юзига фотиҳа тортиб бўлган онаси қизи гарданидан тушмайдиган қорамунчоғи йўқлигини кўриб сўради:

-Мунчоғинг қани?

Сорахоннинг қаерга яширишни билмай турган титроқ қўллари гарданини тутамлади. Яна ўша даҳшатли манзара...

-Уйга ечиб қўювдим...

-Ўшанчун ҳам сени инсу жинс чалган ёки ёмон кўз теккан, - ўзининг гапини ўзи маъқуллади онаси.

-Ётаман... ўтиролмаяпман. – Сорахон ўтирган тўшагига чўзилди. Кўзларини маҳкам юмди. Лекин ўзи қилган даҳшатли ҳодиса таъқибидан қутула олмасди.

-Мен сенга бир қошиқ шулла қилай бўлмаса, ичингга қувват киради, - деганича онаси ошхона томонга чиқиб кетди.

"...Қорамунчоғим ўшатта қолдида. Энди топиб олишади. Ўлдим энди... Мелиса мени ахтариб юргандир. Ҳозир мелиса келиб мени олиб кетади... Энди нима қиламан, болаларимга нима бўлади? Невара тўйимиз-чи? Шармандаи шармисор бўлдим! Тилла тақаман деб ўғри бўлмай мен ўлай! Шундай қизчани ўлдириб қўйдим-а. Ўзим ўлишим керак..." тизгинсиз, шафқатсиз хаёллар исканжаси Сорахонни адои тамом қилишга қасд қилгандай сиқарди. Кўрпа ичида ҳаво етишмаётганлигини ҳис қилди, лекин бошини чиқаришдан қўрқди.

Онаси қатиқ қўшиб келган овқатдан бир-икки қошиқ ичди, холос. Ташқарида тун қуюқлашарди...

-Тур қизим, эринг келди, -деди онаси унинг бошини ҳам беркитиб турган кўрпани аста очиб.

-Ҳа, сенга нима бўлди, касалмисан? - ҳайрон бўлиб сўради эри. – Туппа-тузук эдинг-ку.

-Бир аҳволда келувди, туз ҳам тотмаяпти, - қизи ўрнига жавоб қилди онаси. – Сиқилиб қопти шекилли.

Эри ҳечам орқасидан келмас эди. Мелисалар билишиб, "Бор, қотил хотинингни олиб кел!" дейишдимикин? Сорахон ҳадикда эрига қаради, нимага келдингиз, дегандай.

-Қўшнимизникида қиёмат бўлиб ётибди, - гапира кетди эри кўпириб, - Қизчасини ўлдириб кетишибди. Куппа-кундуз куни. Сен буёққа келишингдан сал аввалроқ.

-Вой худойим-ей, ўзинг сақла бундай балолардан, - эсхонаси учиб кетди кампирнинг. - Ўғри кириб қилгандир-да.

-Йўқ, қизчани ўлдиргану қочган, ҳеч нарсага тегмаган. Мелиса, дўхтирлар тўлиб кетди.

-Бизникига киришмадими? – беихтиёр сўраб юборди Сорахон. Эри ажабланиб:

-Бизникида нима қилишади? – деди саволга савол билан. Кейин қўшиб қўйди: - Қўшнимизнинг душмани бор экан-да. Гўдакда нима гуноҳ? Сени обкетгани келдим. Қўшничилик, кирмасанг бўлмас. Ҳамма қўшнилар ўшатта.

-Шу аҳволда қандай боради? – куёвига эътироз билдирди қайнона. – Сал ўзига келсин.

-Дўхтирлар роса текшириб, кейин қайтариб беришибди. Домлалар "Гўдак майитини ушлаб туриб бўлмайди", деб чиқартириб юборишди. Қабрга қоронғуда чироқ билан қўйдик...

Эрининг охирги гапи Сорахонни ўзига келтирди. "Кўмишибди, энди мени билишмайди".

Сорахон уйига уч кун ўтказиб борди. Азадор қўшнисиникига қўрқа-писа кирди. Уйнинг ҳамма жойидан қизча уни кузатиб тургандай туюлди. Қизчаси қўйида Оминахоннинг йиғлайвериб кўзлари киртайиб кетган эди. Сорахонга осилиб олганича айтиб йиғлай бошлади... У ҳамдардлик билдириб чиққан қўшниси қизининг қотили эканлигини қаёқдан билсин?.. Сорахоннинг бу ерда туришга юраги бетламади. Уйига чиқиб кетди. Ҳеч ишга қўли бормай ётиб олди...

Орадан кунлар, ойлар ўта бошлади. Баҳор келди. Ўртада Сорахонлар невара тўйини ўтказиб келишди. Худо етказди, эри темир-терсакларини сотиб тўйга сўқим олди, латта-путтасини эплашди... Лекин Сорахон одамови бўлиб қолди. Ҳеч нарса билан иши йўқ, уй ичидан чиқмайди, ўзи билан ўзи гаплашади. Эри бир-икки марта докторга олиб бормоқчи бўлди, унамади. Эр бечора тобора эси оғиб бораётган хотинидан хавотирда эди.

Қўшнилар ҳам тақдирга тан бериб ўтиришибди. Гоҳ-гоҳ Оминахоннинг фарзанд доғидаги йиғиси эшитилиб қолади. Қизчасининг қотили ҳали топилганича йўқ. Терговчи олдинига тез-тез келиб "Душманларингиз борми, кимдан гумон қилаяпсизлар?", деб сўраб-суриштирди. Қўшни бўлган Сорахоннинг эри билан ҳам гаплашди.

Оминахон қизчаси чиқарилган хонани йиғлаганча тозалаяпти. Анчадан бери супурги тегмагани учун шифт, уй бурчакларигача ис босиб кетган эди. Тепаларни тозалаб бўлгач, девор шкафлари остига супурги урди. Шунда шкаф остидан қорамунчоқ ғилдираб чиқиб қолди. Оминахон ҳайрон бўлиб қўлига олди. Таниш қорамунчоқ. Қўшниси Сорахон опаники! Унинг қорамунчоғи бу ерга қандай қилиб тушиб қолдийкин?.. Кўз ўнгидан телбасифат бўлиб, уйидан чиқмай қўйган қўшниси Сорахон қиёфаси ўтди. "Наҳотки?.." Қўрқинчли ўйдан титраб кетган Оминахон қорамунчоқни олганича меҳмонхонада ўтирган эри олдига чопди. Гапиролмай, тутоқиб эрига қорамунчоқни кўрсатди. Эрининг кўнгли ҳам ниманидир сезгандай бўлди. Бу қорамунчоқни қаердадир кўрувди. Ҳа, топди. Бир неча марта қўшнилари бўлмиш Сорахоннинг қўйлаги ёқасида кўрган эди.

-Қаердан топдинг? – сўради қалт-қалт титраб, ўзини зўрға тутиб турган хотинидан.

Оминахон гапиролмади. Қўли билан нариги уйни кўрсатди ва кўксидан аламли йиғи отилиб чиқди.

-Ўзингни босиб, қўшниникига чиқмай тур. Мен терговчининг олдига дарров бориб келаман, - эри апил-тапил кийинди-да, қорамунчоқни олиб машинасига ўтирди...

Уч-тўрт кундирки, Сорахон яна бир ғалати одат чиқарди. Маҳалла тепасидаги лимиллаб оқаётган канал ёқасида соатлаб ўтиравераади. Бир-икки марта болалари ўша ердан топиб келишди. "Сув парисини кўрдим" деди бир сафар ўртанча қизига.

Бугун яна йўқолиб қолди. Эр хавотирда қизига буюрди:

-Борақол тезроқ, аянг яна каналга кетибди шекилли. Олиб ке!

Худди шу пайт дарвозадан терговчи ва орқароғида қўшниси кириб келди.

-Хотинингиз қани? – дабдурустдан сўради терговчи.

-Ҳозир, шу ерда, қизим олиб келади, - довдираб қолди уй эгаси. – Тинчликми?

-Манови кимники, хотинингизникими? – терговчи ихчам сувқоғоздан ҳам яққол кўриниб турган қорамунчоқни уй соҳиби кўзи олдига келтириб сўради. Таниди. Хотини доим тақиб юрадиган, кейинги вақтларда ёқасида кўринмай қолган таниш қорамунчоқ. Қўллари қанчалаб теккан қорамунчоқ... Нега хотинининг қорамунчоғи терговчи қўлида турибди, бирга кирган қўшниси нега ғазабнок?

-Ҳа, - деди тўғрисини айтиб.

-Дада, дадажон, аям каналга тушиб кетди! – кўча тарафдан қизининг уввос солиб бақиргани эшитилди. Эр ёнидагиларни ҳам унутиб, кўчага отилди. Уй томонга дод-вой солиб келаётган қизи дадасига қўшилиб, ортига қайтди. Эр бир зумда канал бўйига етиб келди. Кўзлари катта тол остида ётган хотинининг камзулига тушди. Лимиллаб оқаётган бўтана сув аллақачон хотинини комига ютиб кетган эди. Нима қиларини билмай қолган эр канал ёқалаб югуриб кетди...

**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

СУВ ТАЪМИНОТИ:

# ИСЛОҲОТ ДАВОМ ЭТАЯПТИ



(Боши 1-бетда)

Вилоятдаги суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 16489 км. зовурлар қурилиб, шундан 1962,7 км хўжаликлар аро зовурлар бўлиб, бюджет ҳисобидан тозаланади. Хўжаликлардаги давлат бюджетидан эксплуатация қилиниб келаётган 2818,5 км ёпиқ зовурлар мавжуд бўлиб шундан 734 километрини хўжаликлар ҳисобидан эксплуатация қилинаётган ёпиқ-ётиқ зовурларнинг узунлиги 6584 км бўлиб, шундан 1715 км.ни таъмирлаш лозим.

Юқоридаги гидромелиоратив тармоқларнинг техник ҳолатини яхшилаб, 2003 йил ҳосилига замин яратиш мақсадида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Давлат капитал қўйилмалари ҳисобидан ВС-13 зовурини 5 км., "Шўрўзак" зовури 5 км., "ЦГК" зовури 0,3 км., хўжаликлараро каналларнинг 1,4 км реконструкция қилинди. 2 дона дизел насос станциялар электрлаштирилиб, 6 та мелиоратив тик қувурлар режага киритилиб, 3 таси ишга туширилди. Шунингдек, 218 км. хўжаликлараро зовурлар тозаланди. 104 км. масофада давлат ҳисобидаги ёпиқ-ётиқ зовурлар таъмирланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 18 июлдаги ярим йиллик якуни бўйича давлат комиссияси тузилиб, Президентимизнинг топшириғига биноан ҳукуматимиз мелиорация ишларига ҳамиша катта эътибор бермоқда. Мана яқинда ҳукумат томонидан Сирдарё вилоят гидрогеологик-мелиорация экспедициясига очиқ зовурларни тозалаш учун 80 миллион сўм, ёпиқ-ётиқ қувурларни таъмирлашга 45 миллион сўм, мавжуд мелиоратив тик қувурларни таъмирлашга 65 миллион сўм, Жанубий Мирзачўл зовури реконструкциясига 80 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Хўжаликлараро ва магистрал каналларда 786 та гидропостлар бўлиб, уларнинг техник ҳолати текшириб чиқилди. 371 тасини таъмирлаш зарур ва бу ишни 1 декабргача таъмирлашни тугаллаш ва шаҳодатлаш зарур. Вилоятда хўжаликларнинг ички каналларида 17869 та сув ўлчагичлар бўлиши керак. Бугунги кунгача 9961 сув ўлчагичлар ўрнатилди.

Ҳар бир лоток, канал ёки ер ариққа ўрнатилган сув ўлчагичлар фермер, оила пудратига етказилиб берилган сув миқдорини аниқлаб беради ва сув олди-бердиси вақтида ўлчов мезони бўлиб хизмат қилади.

Шу кунгача вилоятда 47 та СФУ (сувдан фойдаланувчилар уюшмаси) тузилди. Бу уюшма сув тақсимлаш тизимида янги ташкилот бўлиб, истеъмолчи сифатида фаолият юритади. Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги ирригация тизимлари бошқармаси сув таъминотчиси ҳисобланиб сув олди-бердисида "истеъмолчи" бўлиб, сувдан фойдаланиш уюшмаси, сувни қабул қилиб олиб фермерларга чекланган лимитлар асосида етказиб бериш вазифасини ўтайди, ундан ташқари СФУ фермерлар ҳисобидаги ариқ-зовурлар, ёпиқ-ётиқ дренажлар, насос станцияларни ишлатиш, таъмирлаш ишларига пуллик хизмат қиладилар.

## ЮСАИД ЁРДАМ ҚИЛДИ

АҚШнинг халқаро ЮСАИД агентлиги Меҳнатобод туманидаги "Оққоя" ва Мирзаобод туманидаги "Қўшқулоқ" сувдан фойдаланувчилар уюшмасига катта ёрдам кўрсатди. Мирзаобод туманидаги "Қўшқулоқ" сувдан фойдаланувчилар тасарруфидаги К-3-10, К-3-10-1 каналнинг 7 километрини тозалаб, 12 сув иншоотини, тўсиқларини таъмирлаб, 10 та сувдан фойдаланиш иншоотини қуриб шаҳодатлаб берди, 6 гектар майдонни лазерли ер текислаш агрегати билан текислаб сифон билан суғоришга мослаштирди. Бу кўрсаткич амалга оширилгандан кейин ўтган



йилга нисбатан сув сарфи икки баравар камайди, каналларнинг фойдаланиш коэффициенти кўпайди. Бундан ташқари "Қўшқулоқ" сувдан фойдаланиш уюшмасига ЮСАИД агентлиги битта бир кубо ковшли экскаватор, битта Кейс "Малютка", битта "Нива" енгил автомашинаси, 12 та велосипед, битта компьютер, битта ўсимликларни сувга келганлигини аниқлайдиган "босимли камера", битта тупроқнинг намлигини ўлчайдиган тензиометр, сув ўлчаш асбоби "ГР-21", 4 та сув ўлчаш иншооти қуриш учун махсус қолиплар берилди. Меҳнатобод туманидаги "Оқ қоя" сувдан фойдаланиш уюшмаси ҳам худди шундай асбоблар, техникалар билан таъминланди ва уларга қўшимча равишда "Супермаз" автокрани берилди. Энди ҳамма гап ана шу механизмлардан оқилона фойдаланишда.

Шунингдек, сувчилар бир неча йиллардан бери французлар билан ҳам ҳамкорлик қилаяпти. Франциянинг "BRL" фирмаси Жанубий Мирзачўл каналининг 145 пикетида сув ҳавзаларини каналларни назорат қилиш, бошқаришда компьютер автоматика телемеханика технологиясини жорий этдилар ва амалда фойдаланишда ёрдам бермоқдалар. Бу соҳага катта маблағ сарфлаб керакли асбоб-ускуналар, жиҳозлар компьютерлар ўрнатдилар ва ходимларни ишга ўргатдилар.



## БОШҚАРИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Қадим-қадим замонлардан халқимизда шундай бир мақол бор: "Отанг мироб бўлгунча ўзинг сероб бўл". Бу дегани "отанг мироб бўлгани билан сенга нафи тегмайди, ўзинг сув бошида бўлгин кўпроқ сув олиш имконияти бўлади" деган гап.

Маълумки, кўп суғориш тармоқлари каналлар икки, ҳатто учта вилоят ҳудудидан ўтади. Сув таъминотида ҳам раҳбарлар ўша ерда жойлашган ҳудудий сув бошқармасидан фойдаланиб "кўрпани кўпроқ ўзлари томонга тортиш"га ҳаракат қилишади. Хўш, нима қилиш керакки, сув таъминотида адолатли мезон ҳукмрон бўлсин, сув таъминоти бошқармаси ҳудудга эмас, марказга бўйсунадиган бўлсин.

Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари" тўғрисидаги Фармони асосида ва ирригация тизимларини маъмурий ҳудудий бошқариш принципидан ҳавзавий бошқариш принципига ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси "Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" 21 июл 2003 йил 320-сонли қарорини қабул қилди. Бу қарорга асосан 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва Фарғона вилоятида битта бирлашган диспетчерлик марказига эга магистрал каналларни бошқариш бошқармаси ташкил этилди.

**-Бу қарорнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат бўлди?**

-Биринчидан, сувдан фойдаланишда бозор иқтисоди принципларини ва механизмларини жорий этган ҳолда сув ресурсларидан мақсадли ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш, янги технологияларни жорий этган ҳолда сув хўжалигида ягона техник сиёсатни юргизиб, истеъмолчиларга сувни вақтида, узлуксиз етказиб беришни таъминлаш, ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларини мустаҳкамлиги ва ишончлилигини таъминлаш. Сувдан фойдаланувчилар орасида олинган сув миқдорини аниқ ҳисоб-китобини олиб боришни ташкил этиш. Умуман олганда, бу қарор ирригация тизимида муҳим янгилик бўлди.

SUV–JOFE BU HAYOT!

Сув – бу бебаҳо бойлигимиз деймиз. Лекин ҳаммамиз ҳам шу улуғ неъматдан оқилона, мақсадли фойдаланишни ўрганганмизми? Албатта йўқ. Фермерларимиз сувдан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги каналларимизда тўлиб оқаётган, лотокларда, ариқларда келаётган сув учун республикамиз бошқа давлатларга катта маблағ тўлаётганини биладими? Кўпчилик билмайди. Бизда сув бепул. Қишлоқ хўжалигида ишловчилар ҳали олинган сув учун ҳисоб рақамларидан ёки чўнтагидан пул тўлашмаган, модомики шундай экан, давлатимиз катта харажатлар эвазига сув билан таъминлаб турган экан сувнинг қадрига етайлик, унинг беҳуда эгасиз зовурларга ташлаб қўймайлик, суғориш тармоқлари, иншоотлар, лотоклар бу бизнинг мулкимиз уни кўз қорачиғимиздек сақлаш, таъмирлаш бурчимиз эмасми? Энг муҳими, одамлар, сувдан фойдаланувчилар, яъни истеъмолчилар онгида ўзгариш ясашимиз керак. Айрим шахслар лотокларда ўрнатилган щитларни сув ўлчагичларни олиб ташлаётганини қандай тушуниш мумкин?! Демак, ҳар бир сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳар бир истеъмолчи билан ташвиқот тарғибот тушунтириш ишларини олиб бориши лозим...

Янги ташкил этилган қуйи Сирдарё ҳавзасидан Сирдарё вилояти тўлиқ ва Жиззах вилоятининг 10 та тумани сув олади. Бу ерда Жанубий Мирзачўл магистрал канали бошқармаси, Шўрўзак-Сирдарё, Боёвут-Арнасой, Учтом, Ховос-Зомин ирригация тизимлари бошқармалари ташкил топди.



Ҳавза бошқармаси Мирзачўлнинг қоқ ўртасида "Учтом" қўрғонида жойлашди. Шуниси диққатга сазоворки, шу қарорни бажариш давомида қисқа муддатларда бу ерда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Ташландиқ бино капитал таъмирланди, уч гектарлик боғ яратилди, "Учтом" сув иншооти атрофи ободонлаштирилди, лотоклар ўрнатилиб, сув олиб келинди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг алоқа тизимларини барпо этиш ва такомиллаштиришга ҳукумат томонидан 42 миллион сўм маблағ ажратилган. Демак, ҳавза бошқармаси ва ирригация тизимлари энг замонавий тезкор алоқа ва ахборот тизимларига эга бўлади.

## ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Биринчи галда сув хўжалиги иншоотларининг кадастрини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда, сув олиш ҳамда тақсимлаш, сувни ўлчаш иншоотлари (гидропостлар) ҳамда сувдан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, иншоотларни техник ҳолатини аниқлаш, кўрикдан ўтказиш, жорий ва капитал таъмирлаш режалари ишлаб чиқилаяпти. Сув омборлари, сув хўжалиги объектларини бошқариш автоматика ва телемеханика ҳамда бошқа замонавий технологияларни жорий қилиш давом этаяпти.

Сув ҳавзаси бошқармаси сув хўжалиги объектларининг атрофини ободонлаштириш, қирғоқ бўйи ҳудудларини тўлиқ ажратиш, улардан мақсадли фойдаланиш, қирғоқларни ҳимоя қилиш, дарахтзорлар барпо этишда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга вазирлик томонидан тасдиқланган лимит асосида иқтисодиёт тармоқлари, туманлар ва ҳар бир ирригация тизими, магистрал тизим ва магистрал каналлар, барча сувдан фойдаланувчиларнинг лимитларини манбалар бўйича сув таъминоти бўйича ўзаро шартномалар тузилмоқда.



-Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, - дейди ҳавза бошқармаси бошлиғи Жўрабой Шарипов, - шунинг учун ўзимиз тўртинчи чорак ва 2004 йил учун ҳаракат, фаолият дастурини ишлаб чиққанмиз. Ана шу дастурга асосан ҳар бир сув хўжалиги объектларини таъмирлаш, сув олиш жойларини гидропостлар билан тўлиқ жиҳозлаш ва шаҳодатлаш, магистрал ва хўжаликлараро каналларни тозалаш ва таъмирлаш, сув хўжалиги атрофидаги қирғоқ бўйи минтақаларни ўрнатилган тартибда белгилаш ва улардан мақсадли фойдаланиш, каналлар бўйида дарахтзорлар ва қирғоқларни ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш барча гидроузел атрофини, маъмурий бинолар атрофини ободонлаштириш, сув омборини кузатув воситалари, биринчи галда пьезометрлар билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш.



Барча қилинадиган ишлар сув хўжалиги ташкилотларининг ўз кучлари билан амалга оширилаяпти.

## ТЕЖАМКОРЛИККА ЎРГАТИШ КЕРАК

Ўтган йиллар давомида Мирзачўлни ўзлаштириш борасида қилинган ишлар умуман ирригация тизимида муҳим бир янгилик бўлди, десак муболаға бўлмас. Чўлни ўзлаштиришда ишлатилган каналлар, лотоклар тармоқлари Ўзбекистонда бутун бир тажриба мактаби бўлди. Бу соҳада ишлаган мироблар чўлни боғу бўстонга айлантиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Лекин ўтаётган шиддатли давр, бўлаётган катта ўзгаришлар, замон талаби бу соҳани ҳам янада такомиллаштиришни тақозо қилаяпти.

Маълумки, йилдан-йилга сезилаётган сув танқислиги жаҳонда барча одамларни безовта қилаяпти. Узоққа бориб юрмайлик. Қуриб бораётган Орол денгизини олиб кўрайлик.

Оролни қутқариш Халқаро фондининг, Глобал Экологик Фонднинг бошлиғи Рим Гиниятуллин "Правда Востока" газетасида берган суҳбатида жумладан шундай деди: Орол ўзининг 60 фоиз сув ҳажмини йўқотган. Швецияда бўлиб ўтган халқаро сув форумида ана шу ҳақда гап бўлиб ўтган эди. Бир томондан тоза ичимлик сувга эга бўлган, сув танқислиги йўқ бўлган Швецияга ҳар йилги сув симпозимилари ўтказиш нимага керак, ёшлар орасида энг яхши лойиҳалар учун кўрик-танловлар учун харажатларга на ҳожат. Бир қарашда зарурат йўқдай. Лекин шундай бўлса-да, бу ишлар қилинаяпти. Швеция Бутун Жаҳон Сув Кенгашини харажатларини кўтараяпти.



Биз сувни тежашни рағбатлантириш мақсадида бешта давлатнинг ҳар бирининг иккитадан вилоятида сувни тежаш бўйича кўрик-танлов ўтказдик. Сув тежами ўтган йилларга нисбатан 30 фоизни ташкил қилди. Ғолибларга мукофотлар берилди. Бу кўрик-танловда фермерлар, ширкатлар сув хўжаликлари иштирок этдилар. Статистика органлари, сув хўжаликлари ва маҳаллий ҳокимият вакилликлари сув харажатини, ҳосилдорликни аниқлаб беришди, биз эса мониторинг ўтказдик. Бу йил чет эллик донорлар томонидан маблағлар топдик. Шундай кўрик-танлов GEF лойиҳаси бўйича Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ўтказилаяпти. Кўриб турибсизки, аста-секин жамоатчиликнинг янги фикри шаклланмоқда.

Дарҳақиқат, жуда тўғри гап, беҳуда оқаётган сув, чўнтагингиздан кетаётган пулга ўхшамас экан, одамларни тежамкорликка ўргатиш қийин. Ҳар бир литр сув бу маълум миқдордаги пул эканини, ҳар бир истеъмолчи онгига сингдира олишимиз керак.

Миробларимиз эса сув сарфини аниқ ҳисоб-китобини олиб бориб, унинг узлуксиз таъминотини ташкил этишлари керак. Қуйи Сирдарё сув ҳавзаси бошқармаси мироблари зиммаларидаги ана шу катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда иш юритмоқдалар.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ХАВФСИЗЛИК ДЕВОРИ

***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси Исроил ҳукуматидан Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида хавфсизлик деворини ўрнатмасликни талаб қилган.***



Айнан шу ҳолат юзасидан қабул қилинган резолюцияни дунёнинг 144 давлати қўллаб-қувватлаган бўлса, АҚШ ва Исроил давлат раҳбарлари бугунги зиддиятларга бой замонда хавфсизлик чораларини кўриш жиноят сифатида эмас, одиллик нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак эди, дея таъкидлаб ўтишган. Бироқ, БМТ Бош котибининг ўринбосари Киран Прендергаст Ариэл Шарон ҳукумати юритаётган бу сиёсат демократик тамойилларга мутлақо зид эканлигини маълум қилган. Унинг айтишича, Исроил БМТ ҳамда Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига итоат қилмас экан, унга нисбатан иқтисодий эмбарго жорий этилиши мумкин. БМТнинг иқтисодий чора кўриш ҳақидаги огоҳлантириши қандай натижа беради, буни энди вақт кўрсатади.

## ШАРШАРАДАН БУТУН ЧИҚДИ

***Муҳаббат неларга қодир эмас, дейсиз... Яқинда айнан шу туйғунинг қулига айланган жанубий америкалик бир жаноб севгилисига ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйгиси келди шекилли, дунёни улканлиги билан ҳайратда қолдирадиган Ниагара шаршарасининг ўткир бурчагидан пойи-пиёда кесиб ўтмоқчи бўлди.***



Шўрлик ошиқ ёрининг васли ҳақида ўй суриб қолдими, йўлнинг ўртасига етар-етмас мувозанатини йўқотиб қўйди ҳамда эллик метрлик баландликдан пастга қулади. Воқеа шоҳидлари унга ачиниш билан тикилиб, ҳатто айримлари юзига фотиҳа тортаётган лаҳзада эса қуйик юрак жаноб шаршарадан юз метрлар қуйироқда жойлашган қишлоқ ёнидаги кичкина кўлчадан сузиб чиқди. Мана буни муҳаббатнинг сирли ҳамда сеҳрли кучи, деса бўлади.

## КОРОЛЁВНИНГ САМОЛЁТИ

***Чоршанба куни космонавтика отаси, марҳум конструктор-олим Сергей Королёвга қарашли бўлган Ил-14 самолёти майда бўлакларга ажратилиб, металлоломга топширилди, дея хабар беради NTV News.***



Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш кераккки, мазкур самолёт ўз даврида жаҳоннинг машҳур кишиларига ҳам хизмат кўрсатган. Инсоният тарихидаги биринчи космонавт Юрий Гагаринни 1961 йил 12 апрел куни Повольжеда кутиб олишдек шарафли вазифа ҳам айнан шу борт рақами 48113 бўлган учоққа насиб этганди.

## МАРСДАН ҚАНДАЙ КЎРИНАМИЗ?

***Инсоният ҳамиша фазога интилиб келди. Эндиликда унинг ихтиёрида юксак салоҳиятли технологиялар мавжуд.***



Буни қарангки, 1997 йилнинг сентябрида қизил сайёрага туширилган – Марс астрономик асбоби – MGS томонидан бизнинг она сайёрамиз суратга олиниб, юборилмоқда. Тасвирлар жуда ҳам тиниқ чиққан бўлиб, Ер сайёраси қуёшнинг ёғдуларидан кўкимтир тусда товланаётир. Теграсида эса табиий йўлдоши пир-пир айланади. Суратларга тикиларкансиз, унинг 6,4 миллиард километрдан тасвирга олинганига ишонмайсиз. Бироқ бу факт ва уни инкор этиб бўлмайди.

## ЭНГ КЕКСА ФУҚАРО

***Россия Федерациясининг Приангарья ўлкасида яшовчи Анна Тодоева мамлакатнинг энг кекса фуқароси саналади.***



Куни кеча А.Тодоева яқинлари даврасида ўзининг 107 ёшини нишонлади. Анна Тодоева ҳаёти давомида кўп қийинчиликларга дуч келган. У иккита жаҳон уруши, афғон уруши ва шу каби оламшумул ҳодисаларнинг ҳам гувоҳи саналади. Онахонга "узоқ яшашнинг сири нимада?", дея савол берилганида, у: "худо берса, узоқ яшайсан", дея жавоб берган. Кампиршо ёшини сўрашганларга "эндигина етмишга кирдим", дея жавоб қайтаришни хуш кўради.

## ПОНЬКИН ҲИБСГА ОЛИНДИ

***Чоршанба куни Россия Федерал хавфсизлик хизматининг захирадаги офицери Андрей Понькин устидан тергов жараёнлари бошланганлиги маълум қилинди.***



Ёдингизда бўлса, 12 октябр куни британиялик полициячилар томонидан терроречиликда шубҳаланиб, қамоққа олинган икки нафар рус фуқаролари Понькин Путинни жисмонан маҳв этишга қатъий бел боғлагани хусусида маълумот берганлар. Бу маълумотни бугунги кунда Буюк Британияда сиёсий қочоқ сифатида истиқомат қилаётган Александр Литвиненко ҳам тасдиқлаб ўтди. Бироқ, ҳозирча айбдор саналмиш Андрей Понькин британиялик ҳамкасбларининг мазкур айбномасини "қуруқ туҳмат" ҳамда "ёлғон сафсата" сифатида баҳолаган.

## ЛЕДИ ДИНИНГ ИҚРОРИ

***"Соҳибжамол малика Диана ўзининг автоҳалокат оқибатида вафот этишини етти ой муқаддам билган эди", дея хабар беради "The Sunday Times" газетаси.***



Бундан бир неча кун илгари маликанинг номи ошкор қилинмаган бизнесмен томонидан эълон қилинган хатларида унга автомобилининг тормоз симларини қирқиб қўйишларини айтиб, таҳдид қилишганлиги ёзилган. Бироқ, ким ёки нима учун таҳдид қилинганлиги хусусида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шундай бўлса-да, кўпчилик британияликларнинг фикрича, мафтункор хонимнинг ўлимига фотографлар-у тизгинсиз папарацийлар эмас, аниқ ва кўринмас куч сабаб бўлган. Бу куч Бирмингем қасрида жойлашганми ёинки Уэльсда, бу хусусда бир нима дейиш қийин.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# БОБОМДЕК БЎЛСАМ ДЕЙМАН

ФАХР

***"Меҳнат кишига бахт келтиради", деганлари ҳақиқат эканлигини мен доимо бобом мисолида кўраман.***

Тошкентдаги "Кўкча" даҳасига ҳеч йўлингиз тушганми? Тушган бўлса биласиз. Ана ўша ерда "Қутбиддин Шамсиев кўчаси" бор. Унга бобомнинг номлари қўйилган. Буни у кишининг маҳалламиз ободончилигига қўшган кўп йиллик меҳнати эвазига берилган муносиб баҳо, деб биламан.

Бобомни жуда кўп эслайман. Меҳрибон, оққўнгил, меҳнаткаш инсон эдилар. У киши табиатни ниҳоятда севардилар. Табиатга кўнгил қўйиш бобомга болаликда юққан. Балки ана шу илиқ туйғу у кишини Қишлоқ хўжалик институтида ўқишга етаклагандир. Институтни аъло баҳолар билан тамомлагандан сўнг, бобом илмий ишларини давом эттириш мақсадида "Ўрмон хўжалиги илмий текшириш" институтида оддий ходим вазифасида фаолият юрита бошладилар. "Ўрта Осиёда янги терак навларини кўпайтириш ва уларни уй шароитида ўстириш" бобомнинг илмий иш мавзулари эди. Шу йўналишда бир нечта китоб ҳам ёзганлар.



Кейинроқ эса яна бошқа бир йўналишда, аниқроғи, ёнғоқ, бодом ва пистанинг янги навларини яратиш бўйича илмий мақолалар ҳам ёзганлар. Бу борада етарли билимга эга бобом дарахтни моҳирлик билан пайванд қилишни ҳам қойиллатардилар. Эҳ-ҳе, дарахт пайванди бўйича маслаҳатлар сўраб келгувчилар ҳам анчагина эди. Бобом улардан ҳеч қачон ёрдамларини аямасдилар. Бажонидил маслаҳат бериб, келганларнинг кўнглини тоғдек кўтариб жўнатардилар. Битта бу эмас. У киши қўни-қўшнию яқин биродарларига ҳам қўлларидан келган ҳар қандай ёрдамни ҳеч иккиланмай қилардилар. Ўзлари яшаб ўтган "Кўкча" даҳасида маҳалла қўмитаси аъзоси бўлиб, маҳалла - кўй ишларида фаол қатнашардилар.

Набира бўлганингдан кейин бобонгга ўхшагинг келаркан-да. Биз набиралар ҳам доим бобомиз билан фахрланиб, у кишига ўхшаб эл назаридаги эътиборли, ширинсухан, асосийси, ўқимишли инсон бўлишни орзу қиламиз. Фахрланиш, ният қилиш билан иш битмайди, албатта. Шунга яраша меҳнат ҳам қилиш керак. Буни яхши англаб етганимиз учун ҳам билимли бўлишга бор кучимиз билан интиламиз.

**Умида ШАМСИЕВА,**
**ўқувчи.**

# ИНСТИТУТНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

ШОЛИЧИЛИК

***Гурлан тумани шоли етиштириш бўйича нафақат вилоят, балки республикамизда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон шоличилик институти Хоразм тажриба таянч пунктининг шу туманда ташкил қилиниши сабабларидан бири ҳам ана шунда. Айни кунларда мазкур даргоҳга қарашли далаларда ўрим-йиғим ишлари бошлаб юборилди.***

- Тажриба хўжалигимизда шолининг 26 нави устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, - дейди Ўзбекистон шоличилик институтининг Хоразм вилояти филиали директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳамро Вафоев. – Ходимларимиз Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида шолини кўчат усулида етиштиришда азот ўғитига талабчанлигини ўрганиш, янги истиқболли навларни синаб кўриш ва шоличилик хўжаликларига сара уруғлик етказиб бериш каби ишлар билан шуғулланишади.

Шу мақсадда ўтган йили институтнинг 64 гектар тажриба майдонига шоли экилган эди. Ундан 150 тонна элита уруғлик шоли етиштирилиб, давлатга жами 54 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Соф фойда эса 6 миллион 875 минг сўмни ташкил қилди. Турсунбой Абдиев, Аҳмад Шомуродов, Морал Бойчибоева сингари тажрибали шоликорлар ҳар гектар майдондан 65-70 центнердан "қирмизи дон" йиғиб олдилар.

-Олиб борилаётган илмий ва амалий ишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, шолини кўчатлаб экиш усулида 60-70 фоиз уруғ, 20-25 фоиз сув, 10-15 фоиз минерал ўғит тежаб қолинади, - дейди Ҳамро Вафоев. - Шунингдек, буғдой экилган майдонлардан унумли фойдаланиш имкони туғилади. Жорий йил тажриба майдонларимизда шолининг истиқболли навларидан "Санам", "Ситора", "Шўртанбой", "Аланга", "Марварид", "Лазур" турлари юқори сифатли уруғлик бериши кутилмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# SPORT OLAMIDA

## ФЕРГЮССОН ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

***Англия футбол ассоциациясининг қарорига биноан, "Манчестер Юнайтед" жамоаси мураббийи Алекс Фергюссон август ойида "Ньюкасл" жамоаси билан бўлиб ўтган матчда ҳакамлар билан тортишгани ҳамда бош ҳакам С.Уинтерни ҳақорат қилгани учун 10 минг фунт-стерлинг миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.***



Фергюссоннинг шогирдлари ўша матч давомида гарчи меҳмонда тўп сураётган бўлсалар-да, 0:3 ҳисобида ғалаба қозонишаётганди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида мезбонлар ҳимоячиси Энди о"Брайеннинг жарима майдони яқинида Райн Гиггзга нисбатан ишлатган қўполлиги учун ҳакамнинг ҳеч қандай чора кўрмагани "қизил иблислар" мураббийини ғазаблантириб юборди. Ўзини тутолмаган Фрегюсон майдон ташқарисига чиқиб кетган коптокни жаҳл билан майдон ўртасига тепиб юборади ва жойида ўтиришни талаб қилган ён ҳакам билан тортишиб кетади. Мураббийнинг ана шу қўполликлари жамоага 10 минг фунт-стерлингга тушди. Шунингдек, Алекс Фергюссон жамоасининг икки ўйинини телевизордан томоша қилишга мажбур. Бу хусусда Англия футбол ассоциацияси вакиллари "Ўйин қоидаларини бузишга ва ҳакамнинг ишига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, агар у Алекс Фергюсон бўлса ҳам", дея изоҳ берганлар.

## МАШҲУРЛИК СУДГА ЧИҚОРА

***"Лос-Анжелес лейкерс" жамоасининг умидли учарларидан бири Коби Брайант Колорадо штатининг Игл шаҳар суди томонидан шу йилнинг июн ойида ўн тўққиз яшар қизни зўрлашда айбланмоқда.***



Коби Брайант миллий баскетбол ассоциациясининг машҳур ўйинчиларидан бири саналади. Шунингдек, бу ёқимтой йигитча "Nike" фирмасининг "юзи" вазифасини ҳам бажаради. "Агар сиз унинг ўйинларини кўрмаган бўлсангиз, Жордан қандай пайдо бўлган, деган саволга жавоб топишингиз мушкул", дейишади у ҳақда АҚШда. Айни шу машҳур ёқимтой Игл шаҳар судьяси Фредерик Ганнетт тарафидан суд олдида жавоб беришга мажбур, дея таъкидланган. Ҳозирча ўйинчи 25 минг АҚШ доллари эвазига озодликда юра туриши мумкин. Бироқ, олти ойдан сўнг бошланадиган суд жараёнида унга қўйилаётган айблар ўз тасдиғини топса, Коби Брайантга умрбод қамоқ жазоси тайинланади. Лекин, у ўз шаънини оқлай олган тақдирда ҳам, олти ойгача "Nike" фирмаси билан тузилган шартномаларнинг "музлатилиб" туриши натижасида 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги даромаддан айрилиб қолиши аниқ.

## ДЕНИС ТКАЧЁВ - ҒОЛИБ

***Пойтахтимизда Ўзбекистоннинг биринчи велоспортчиларидан бири, машъум қатағон йиллари қурбони Ҳидоят Иноятов хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.***

Турнирда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятидан ташриф буюрган 84 нафар велоспортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Муросасиз ўтган мусобақа якунида маррага Денис Ткачёв биринчи бўлиб етиб келди. Денисдан маълум сонияларгагина ортда қолган Алексей Смирнов иккинчи, Николай Казакбаев учинчи ўрин билан кифояланишди. Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

## ДАДИЛ ОДИМ

***Ўтган куни мамлакатимизнинг саккиз шаҳрида футбол бўйича уюштирилган XII миллий чемпионатнинг 28-тур учрашувларига старт берилди. Чемпионатнинг ғолиблигига "Пахтакор" сазовор бўлган бўлса, Юрий Саркисян шогирдлари аллақачон кумуш медалларни қўлга киритишганди.***

Энди чемпионатнинг бронза медали совриндори ким бўлишини аниқлаш лозим эди. Турнирнинг марказий учрашуви "Қизилқум" – "Навбаҳор" ўйини мухлислару мутахассислар кутганидек, шиддатли кечди. Тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин гувоҳига айланган ишқибозлар кўз ўнгида дарвозалар икки бора ишғол этилди. Иккинчи даврада деярли барча рақибларини хоҳ ўз майдонида, хоҳ меҳмонда бўлмасин, енгиб келаётган Наманганнинг "Навбаҳор" жамоаси бу сафар ҳам ғалаба нашидасини сурди. Меҳмонларга муҳим очколарни инъом этган голларни дарвозага Мирхолдиршоев ва Усмонхўжаев киритишди. Агар наманганликлар қолган учрашувларда ҳам ғалаба нашидасини суришса бронза медали соҳибига айланишлари табиий.



Ушбу турда олий лигани тарк этиш арафасида турган "Гулистон" ва "Трактор" ўзаро куч синашишди. Сафарда ўйнаётганликларига қарамай, ғалаба иштиёқида тўп сурган "трактор"чилар учрашувни 4:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишди. Дарвозани Ибрагимов (2 марта), Бозоров ва Соломин аниқ нишонга олишди. "Трактор" олий лигада қолдими ёки... Буни қолган икки тур учрашувлардан сўнг билиш мумкин.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: "Дўстлик" – "Насаф" 2:4, "Пахтакор" – "Бухоро" 1:0, "Сурхон" – "Андижон" 0:1, "Цементчи" – "Қўқон-1912" 4:2, "Металлург" – "Самарқанд-Динамо" 2:0. Навбатдаги 29-тур баҳслари 27 октябрда ўтказилади.

## ЯНА ДОПИНГ МОЖАРОСИ

***Британиялик спринтер Дуэйн Чемберс яқинда ўтказилган назорат тести давомида Халқаро олимпия қўмитаси ва бошқа ташкилотлар томонидан тақиқланган кимёвий моддани қабул қилганлиги аниқланди.***



Спортчининг ўзи мазкур препаратни чиндан ҳам истеъмол қилганлиги, бироқ унинг тақиқланган моддалар турига киришидан бехабар эканлигини маълум қилган. "Гардиан" газетасида қайд қилинишича, энди спринтернинг икки йил давомида халқаро ареналардаги мусобақаларда иштирок этиши мумкин эмас. Бу гарчи қаттиқ жазо саналса-да, Британия қонунларининг олдида ип эшолмайди, чунки Дуэйн Чемберс энди ҳеч қачон Олимпия ўйинларида қатнаша олмайди. Икки йил-ку ўтар-кетар, бироқ умрбод четлаштириш одамга қаттиқ алам қилади.

**И. УЛФАТОВ ва Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

# ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИССАХОНЛИГИ

**(Боши 1-бетда)**

Ўша пайтлардаёқ 50 ёшдан ошган, алп қоматли, нуроний чеҳрали қиссахон оға ўзининг дилтортар, ҳозиржавоб шеърларини қиссахонлик йўли билан маромига етказиб, маҳобатли овозда ижро қиларди.

Ундан кейин ҳам турли-туман тадбирларда қиссахонларнинг чиқишлари гувоҳи бўлгандик. Дарвоқе, Содиқ оғанинг ўғли марҳум Убайхон ҳам истеъдодли болалар шоири ва ажойиб қиссахон эди. Аммо бу бетакрор санъатга кейинги йилларда эътибор сусайгани сезилмоқда.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида қиссахонлик янада авж ола бошлади. Бунга ана шу санъат сирларини яхшигина эгаллаган Кегейли туманидаги "Халқобод" овулида туғилган Халилла Давлатназаров ҳам озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшди. Айни пайтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Еркин Каракалпакстан" газетаси бош муҳаррири ўринбосари, етук шоир Халилла қиссахонлик борасида ҳам қайғуради. Кескин ривожланишини, эл орасидаги аввалги нуфузи тикланишини тилайди. Биз яқинда бу киши билан учрашиб, қиссахонлик тарихи, айни пайтдаги ҳолати хусусида суҳбатлашдик.

-Қорақалпоқ қиссахонлик мактаби асослари жуда узоқ даврларга бориб тақалади, - дейди Х.Давлатназаров. – Бундай дейишимнинг боиси қорақалпоқ шоирлари азал-азалдан ўзлари ёзган асарларини ижод этиш билан ҳам шуғулланишган. Масалан, Жиен жиров ўз даврининг машҳур шоири бўлиш баробарида қўбизни моҳирона чалиб, жировлик санъатини юксалтирган. Кунхўжа, Ажиниёз сингари боболаримиз ҳам ўзларининг ижод қилган сермаъно шеърларини қиссахонлик йўли билан тингловчилари қалбига етказа олганлар. Улар халқ достонларини ҳам қиссахонлик йўли билан қироатга солиб, мақомига етказиб ижро қилишган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, қиссахонликни XX асрга маҳорат билан олиб кирган Аббаз Добилов, Аяпберган Мусоев, Содиқ Нурумбетовларнинг устозлари Қауендер, Қази Мавлиқ, Қозоқбой шоирлар бўлган бўлса, уларнинг XVIII-XIX асрлардаги устози, қиссахонликда тенги йўқ Курозбек қиссахон ҳақида ҳозир ҳам эл орасида ибратли ҳикояларни эшитиш мумкин. XX асрнинг охирларида қиссахонлик қайта қўлга олиниб, бу мураккаб санъатни кўнгилдагидек эгаллаганлар айни пайтда кўзга яққол ташланиб, кўпчилик олқишига сазовор бўлаётир. Кегейли туманидан Муяддин қиссахон, Чимбойлик Юсупбой қиссахонларни шулар жумласига қўшиш мумкин. Улар қиссахонликдаги асосий мақсад – бадиий сўзни тингловчиларга сулув, тортимли, ўзига хос муқомда, яъни қироатини келтириб ижро этишда, овоз ва сўзнинг бир-бирини тўлдириб, маънодор, таъсирчан қилиб етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сўзни мухтасар қиладиган бўлсак, қиссахонлик маънавиятнинг ажралмас бўлагидир. Демак, уни ривожлантириб, етук ва моҳир қиссахонлар анъанасини давом эттириш, бунинг учун ёш истеъдод эгаларини муносиб тарзда тарбиялаш, уларнинг сафини йил сайин кўпайтириш зарур.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**НИМТАБАССУМ**

# ИЧКИЛИКНИНГ ФОЙДАСИ ЙЎҚМИ?

Бир аёл дугонасига деди:

-Тўртта балоғатга етган қизим бору куёвим биттагина.

-Менинг аҳволим бундан бешбаттар. Қизим биттагинаю куёвларим эса яқинда еттита бўлади.

* * *

Йигит бир корхонага иш қидириб келди.

-Кечирасизу бошингиздаги шляпани олиб қўйсангиз бўлармиди? – деди иш бошқарувчи.

-Нима, сизлар бошга қараб ишга оласизларми? – деди йигит бепарволик билан.

* * *

Уруш тугаган. Москва, Бутирск қамоқхонаси. Штирлицни камерага итариб киргизишди.

-О, Максимич! – баравариға ҳовлиқиб сўрашди маҳбуслар. – Сен бу ерга қандай келиб қолдинг?

-Қандай, қандай! – жавоб берди у. - Ўрганиб қолганимдай Сталинни "менинг фюрерим" деб юборибман,

* * *

Шифокорга бир ароқхўр мурожаат қилди:

-Ҳурматли доктор, менинг ошқозоним оғриб туради.

-Кўп ичасизми?

-Деярли ҳар куни, бироқ фойда бермаяпти.

***

Поездда тортинчоқ йигит ўзи билан бир купеда кетаётган қизга нима деб гап бошлашни билмабди ва охири:

-Кечирасиз, яхши қиз, сиз ҳам шу поездда кетаяпсизми? – дебди.

***

ДАНда имтиҳон бўляпти.

-Икки юз грамм ароқ ичиб, кўприкка келиб қолдингиз, кўприк кўзингизга иккита бўлиб кўринаётган бўлса, қайсинисидан юрасиз?

Ҳайдовчиликка имтиҳон топшираётган йигит бироз ўйлаб кўриб, жавоб берибди:

-Мен яна 100 грамм ичаман-да, нарсалар кўзимга учта бўлиб кўринишини кутаман. Кейин ўртадаги кўприкдан ўтавераман.

***

Чўлда кетаётган ўлардай сув ичкиси келган одам қудуқни кўриб қолиб хурсандчиликдан "сув, сув" деб қичқирди.

Унинг овозини эшитиб қуриган қудуқдан судралиб чиққан ташна киши сўради:

-Қаерда, қаерда, жойлашган у!

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ тайёрлади.**

# РАССОМ ХАНДАСИ




**А.ҲАКИМОВ чизган расм.**



**Ўзбекистон-Япония маданий алоқалар маркази ташаббуси билан Риштон туманида япон тилини ўрганишга қизиқувчилар учун тўгарак ташкил этилган эди. "НОРИКО-ГАККЮ" номли мазкур тўгаракда 150 нафарга яқин қишлоқ мактаблари ўқувчилари кунчиқар мамлакат тилини катта қизиқиш билан ўрганишмоқда. Машғулотлар учун яхши шароит яратилган, дарслик ва қўлланмалар етарли. Яқинда бу ерга Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ташриф буюришди. Тўгарак машғулотларини ўзбек тили ва тарихини яхши биладиган япониялик этнограф олима Кикута Хорука хоним олиб бормоқда.**

**СУРАТДА: тўгарак ўргатувчиси Кикута Хорука хоним (ўнгда) машғулот ўтказаётган пайт.**

У.ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

# ФЛОРА ЙЎҚОЛМАСИН

***Ўсимликлар олами ўзига ххос мафтункор дунё. Аммо илмий-техника тараққиёти, дунё аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиб бориши истаймизмийўқми атроф-муҳитга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қўймайди.***

Йил сайин инсоннинг табиат марҳаматларидан фойдаланиши ортиб бормоқда. Маълумотларга эътибор беринг: 1913 йилда бир киши йил мобайнида 4,9 тонна табиат воситаларидан фойдаланган бўлса, 1940 йилга келиб ҳар бир киши 7,4 тонна, 1960 йилда эса киши бошига табиатга бўлган эҳтиёж 14,3 тоннани ташкил этган. Ҳисоб-китобларга қараганда, яқин келажакда ҳар бир инсоннинг табиатдан фойдаланиши 35-40 тоннага етар экан.

**ОНАЖОНИМ-ТАБИАТ**

Кейинги вақтларда инсоннинг ўсимликлар оламига бўлган қизиқиши ниҳоятда ортиб кетди. Улар табиат эҳсонларидан фақат қурилиш жиҳозлари манбаи сифатидагина эмас, балки тиббиётда ҳам кенг фойдаланишмоқда. Шифобахш гиёҳларга нисбатан оммавий хуружнинг бошланиши қўриқхоналардан баъзан очиқчасига, баъзида пинҳона доривор гиёҳларни йиғиш оқибатида табиатнинг бу ноёб неъматларининг кескин камайиб кетишига олиб келмоқда. Режасиз, беаёв шифобахш ўсимлик намуналарини териш натижасида фақатгина бизнинг ўлкамиз ҳудудида ўсувчи серхосиятли родиола (афсонавий жень-шень билан рақобат эта оладиган), омонқора, олғи, парпи, салаб, рўян, тоғ қудуси каби ўсимликлар камайиб кетган. Йилдан-йилга "Ўзбекистон Қизил китоби"га киритилаётган ўсимлик намуналарининг сони эса ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган 163 тури қизил китобнинг 1984 йилги нашрида киритилган бўлса, кейинги йилларда олиб борилган изланишлар ўлкамиз флорасидан яна 138 ўсимлик намунаси қизил китобга киритилиш лозимлигини кўрсатди. Шундай қилиб, "Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби"нинг 1998 йилги нашрида ўсимлик турларининг сони 301 тага етган.

Кўриниб турибдики, ўсимликлар дунёсида азиятли дамлар содир бўлмоқда. Шу боис бу борада табиат муҳофазаси чоралари кўрилмайдиган бўлса, юртимизга хос ноёб ва нодир турдаги айрим ўсимликларни йўқолиб кетишига сабабчи бўлишимиз мумкин.

Табиат муҳофазаси ечилиши қийин бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай хайрли ишга мутасадди ташкилотлар, хўжалик раҳбарлари, назорат органлари, махсус малакага эга бўлган мутахассислар, биологлар, ўсимлик билимдонлари, қолаверса, бутун жамоатчилик ҳамжиҳатлик билан хизмат қилиши лозим.

1994 йилда Глобал Экологик Фонд Марказий Осиё чегаралараро биохилма-хилликни сақлаш лойиҳасини қўллаб чиқди. Ғарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё Чегаралараро Лойиҳаси Чотқол қўриқхонасининг табиатни сақлаш борасидаги ишлари таҳсинга сазовордир. Мазкур лойиҳанинг Кичик грантлар дастури қисмида Чотқол қўриқхонаси атрофидаги қишлоқлар аҳолисига, маҳаллий жамоа ташкилотлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларига қўшимча даромад келтирувчи фаолият билан машғул бўлиши учун молиявий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилади. Бунга жалб этилган шахслар табиий равишда ўсаётган ўсимликларни муҳофаза этибгина қолмай, балки мазкур ўсимликларни етиштиришларига ҳам имкониятлар яратилади.

2000 йил 30 майдан Глобал Экологик Фонднинг Ғарбий Тяньшан биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё чегаралараро лойиҳаси ўз фаолиятини бошлади. Лойиҳани қуйидаги ташкилотлар амалга оширади: Қирғизистон Республикаси Ўрмон хизмати, Қозоғистон Республикаси Ўрмон қўмитаси ва овчилик хўжалиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Жаҳон Банки. Лойиҳа беш йилга мўлжалланган бўлиб, Ғарбий Тяньшанда жойлашган Оқсув – Жобоқли (Қозоғистон), Бешорол ва Сарichелек (Қирғизистон), Чотқол (Ўзбекистон) қўриқхоналарини ўз ичига олади. Уч давлат ташкилотлари Бишкекда лойиҳани амалга ошириш бўйича Ҳудудий марказ ва Тошкент, Бишкек, Остона шаҳарларида унинг Миллий бўлимларини очишди. Лойиҳанинг бош мақсади Ғарбий Тяньшан ҳудудида ҳимояга муҳтож ва мукаммал биомуҳитни сақлаш, уч давлатга миллий сиёсатни мувофиқлаштириш ва кучайтириш, биохилма-хилликни асраш соҳасининг норматив базаси ва институциявий ривожланишни таъминлашдан иборат.

Мазкур лойиҳа амалиёти мамлакатдаги табиатни асраш бўйича тузилган Миллий режа ва давлатлараро тузилган Конвенцияга мувофиқ равишда табиатни асраб-авайлаш борасидаги қисқа ҳамда узоқ муддатли вазифаларнинг тўла бажарилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Лойиҳа уч миллион гектарлик қўриқхона ҳудуди тасарруфини такомиллаштириш, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлардан фойдаланишни тартибга солиш, чегаралараро биохилма-хилликни асрашда муҳим аҳамиятга эга. Булардан ташқари, экотадқиқотлар орқали қўриқ ҳудудлар табиати – ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер таркиби ҳақида фундаментал билим ҳамда кўникмаларга эга бўлинади. Тупроқ емирилиши ва сув сарфи сезиларли даражада камаяди. Ушбу ҳудудларда яшовчи аҳоли эса янги иш ўринлари, табиий бойликларнинг мақсадли ва тизимли қўлланишидан манфаат топади.

Табиатни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз. Ундан шафқатсизларча фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аксинча, уни онамиздек ардоқлашимиз керак. Зеро, табиатни аждодларимиздан мерос қилиб олдик, уни шундайлигича келгуси авлодларга топшириш ҳам бизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим.

**Маннон НАБИЕВ, Санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг катта илмий ходими.**

# "ШИНГИЛ ПУЧУҚ" ВОҚЕАСИ

***Кўп йиллар муқаддам ота ва ўғил супада гурунглашиб ўтирарди. Соч-соқоли оқарган Ҳусен ёш Нажмиддинга ўз саргузаштларидан сўзлаб берди. Тун алламаҳал бўлиб қолди. Юлдузлар осмон гумбази остида хиром этади. Ярим ойнинг ўроғи сокин кеча бағрида беун кезади.***

-Отажон, - дейди мўйлови сабзи урган Нажмиддин чой сузиб узатар экан, - эл-улус ичида хайрли ишларингиз билан ном қозондингиз. Тўй-у сайллар сиз ва амакимнинг иштирокисиз ўтмайди.

-Шап-шап дегунча, шаптоли, деб қўя қолда, - деди майин кулиб қизиқчи боласининг дилидагини англаб.

Нажмиддин отаси ва амакисининг ичак узди ҳангомалари-ю қалтис, лекин ҳамманинг дилига ёқувчи ҳикояларини қизиқиб тинглар ва улардан олам-олам завқланарди. Номдор қизиқчи фарзандининг райини қайтармади. Ҳусен лўлаболишни ёнбошига олиб, гўштдор оёқларини кўрпача устига узатар экан, ҳикоясини бошлади.

-Маҳалламизда Шингил пучуқ деган бева аёл яшарди, - деди у. – Пучуқ бўлгани билан юзлари нақш олма, кўзлари хумор, қошлари қора ва қалин, сочлари пошнасига қадар узун, қомати адл, дуркун эди. Кунларнинг бирида унинг ҳовлисига бошқа маҳаллада яшовчи икки бегона эркак келганини кўриб, кимлар экан, дея пойладим. Улардан биттаси Қаҳҳор олифта, иккинчиси эса Асқар дарозлигини аниқлаб бир муддат кўча кездим.

Шу ерга келганда қизиқчи хаёллар дунёсига ғарқ бўлди. Укаси Комил масхарабозни топиб воқеани унинг қулоғига шипшитди. Икки дунёни бир қадам қиладиган бу самимий инсон тезда ишга киришиб кетди. У Эгам жинни ўғли Жабборга ва мулло Асат ўғли Хидир чапдастга хабар берди. Бу икки йигит балодан ҳам қайтмайдиган, каллакесар, қўрқмас эдилар.

**ТЎҚИЛМАГАН ҲИКОЯ**

-Тўртовлон жам бўлиб, - деди Ҳусен қизиқ, - маслаҳатни бир жойга қўйдик. Ўшанда Жаббор айтдики, Комилнинг жуссаси кичик ва чаққон. У даҳлиз мўрисидан беун уй ичига тушиб эшик занжирини секин очади. Ҳусен, Хидир ва мен ҳовли юзида хушёр бўлиб турамиз.

Воқеа аслида шундай бўлди.

-Мабодо, уйдаги эркаклар қочсалар-чи? – деди суҳбатдошлардан бири.

-Бир ҳамла билан ушлаймиз, - деди овози дўррик дароз.

Режага асосан Жаббор ва Комил бостириб уйга кирадиган бўлдилар. Улар туннинг чўкишини кутдилар. Кеч соат ўн-ўн бирларда ўйланган ҳийлани бажаришга киришдилар. Тўрт "қароқчи" эшикни тақиллатди. Садо чиқмади ва ниҳоят:

-Эшикни оч! Ичкарида ким бор? – деб овоз бердилар.

Шингил пучуқ бесаранжом қиёфада:

-Уйда ҳеч ким йўқ, нима дейсизлар? Нега кечаси келдинглар? Кимсизлар ўзи? Кетинглар ҳозир! Бўлмаса дод дейман, ҳокимга арз қиламан, ҳаммангизни дорга остираман, - деб шанғиллайди.

Шингил пучуқ эшикни очмади. Тунги "қароқчи"лар ўйланган режа асосида ишга киришдилар. Комил қизиқ белига арқон боғлаб, томга чиқди. Шингил пучуқнинг даҳлиз мўриси орқали уй ичига киришга акаси Ҳусен кўмаклашди ва у тезда Хидир билан ҳовли юзига девордан ошиб ўтди. Комил қизиқ ишни ими-жимида бошлади. Қоронғида эшикни пайпаслаб, унинг занжирини секин туширди. Жаббор, Комил, Ҳусен ва Хидирнинг қўлларида тут ёғочидан ясалган тўқморли калтак бор эди.

Жаббор билан Комил ичкари уйга бостириб киришди. Қоронғида ғалағовур "вой-дод!" деган ваҳимали овозлар бир лаҳза давом этди. Шу орада икки "ошиқ" сарпойчанг ташқарига ўзини отди ва тун қаърига қочмоқчи бўлишди. Ҳусен ва Хидир чаққон ҳаракат билан уларнинг олдиларини тўсиб, калтак билан битта-битта туширишди. Комил ва Жаббор ҳам улар орқаларидан келиб, "ошиқ"ларни таппа босиб, қўл-оёқларини боғлашди.

Шингил пучуқ бу тўс-тўполонни кўтара олмай, уйи ичида ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Тунги "қароқчи"лар аёлни юпатишди.

-Воқеани ҳеч кимга билдирмаймиз, тинчланинг. Фақат мана бу икки ярамаснинг жазосини ўзимиз берамиз. Маҳалламизга андишасизларча келганларига минг пушаймон бўладилар! – дейишди.

Қаҳҳор олифта ва Асқар дарознинг обдон таъзирини бериб, қипяланғоч қилиб, уйларига жўнатдилар. Бу воқеадан кейин маҳаллага шум ниятли бирон-бир киши ёндошмади, - дейди Ҳусен масхарабоз.

...Қиссадан ҳисса шуки, билмайин босилган қадам ҳали-ҳануз гурунгларда кўр олади. Ор-оқибат, инсоф-диёнат кечанинг ҳам, бугуннинг ҳам, эртанинг ҳам хамиртуришидир. Қўшнинг тинч, юрт ободдир, мақоли қўнғироқ янглиғ замонлар оша жаранглаб турибди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-821, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com